

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлайдиган ҳужжат

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Шундай ҳужжатлардан бири – «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шу йил 9 январда матбуотда эълон қилинди. Қонун 7 боб, 88 моддадан иборат бўлиб, расмий эълон қилинган кундан эътиборан ун икки ой ўтгач кучга киради.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишда қонун муҳим ўрин тутди. Зеро, қонуннинг мақсади – маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларига нисбатан уларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-таомилларга, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудоффаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки

тергов, жиноий мажбурият чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумки, ҳар бир соҳанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий тартиб-таомилларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжати мавжуд. Шунинг учун ҳам ушбу қонунда муносабатлар махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгилувчи қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу қонун нормалари қўлланилади, деб белгилаб қўйилди.

Бундан қўзланган мақсад шуки, соҳа ва тармоқларга оид ўзига хосликни ҳамда йиллар мобайнида ўзини оқлаган тизимни беқарорлаштирмасликдир.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатлари 5-моддада ифодаланган 13 асосий принципда ўз аксини топган. Бунга мутаносиблик, ишонччилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устуворлиги, бюрократик расмийчиликка йўл қў-

йилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши, ишончнинг ҳимоя қилиниши кабилар киради.

Халқимиз томонидан ушбу асосий принциплар мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштириб олиш уларнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан муносабатларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини самарали ҳимоя қила олишларига, ортиқча оворагарчилик ва сарсонгарчиликка барҳам беришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳаётимизда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, мутасадди органларга тақдим этилган ҳужжат қонунда белгиланмаган бўлса-да, қўшимча тасдиқлаштириб келиш талаби қўйилади. Бу кишининг сарсон бўлишига олиб келади. Ўз навбатида, бу фуқарога нисбатан «ишончсизлик»ни англатади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида қонунда тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар акси исботланмагунча қадар ишончли ҳисобланади, деб белгилаб қўйилди. Ҳужжатнинг ҳақиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда маъмурий орган уларнинг ишонччилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш учун чоралар кўриши керак.

Яъни асоссиз гумонлар асосида шахсни овора қилишга чек қўйилади.

Қонунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ёки маълумотларнинг ишонччилигини тасдиқловчи қўшимча материаллар талаб қилиш, агар қонунда бундай талаб белгиланмаган бўлса, тақиқлашни мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонун ҳужжатларининг бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлари ва ноаниқликлари манфаатдор шахслар фойдасига талқин қилиниши ҳам, таъбир жоиз бўлса, инқилобий янгиландир. Чунки инсон манфаатлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар, бошқаларнинг хато ва камчиликлари туфайли азият чекмаслиги лозим.

Манфаатдор шахсларга мажбуриятлар орқали қийинчилик туғдириш, фақат расмий қоидалар ва талабларга риоя этилиши мақсадидагина уларга ҳуқуқлар беришни рад этиш ёки уларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш маъмурий органларга тақиқлаб қўйилди.

Маъмурий органлар манфаатдор шахсларга илгари ушбу шахслар томонидан бошқа ҳаракатлар доирасида бажарилган талабларни қўйишга ҳақли эмас. Агар маъмурий органга тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар маъносига қўра бошқа зарур ҳужжатлар мазмунини ўз

ЎЗА сураму.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Собиқ хусусий тадбиркор қачон банкрот деб топилади

30.12.2017 йилдаги ЎРҚ-455-сон Қонун билан Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга тегишли тузатишлар киритилди. Мазкур тузатишларнинг асосий мақсади – умидсиз солиқ қарздорлигини қисқартириш.

Илгари банкротлик тартиб-таомиллари фақат юридик шахслар ва ўз фаолиятини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорларга (ЯТТ) нисбатан қўлланилар эди. Эндиликда мазкур мақомни йўқотган шахс ҳам банкрот деб топилиши мумкин.

Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар унинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан тақдирдагина фуқарони банкрот деб эълон қилиш мумкин.

Ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар ёки бошқа шахсий хусусиятдаги талаблар банкротлик учун сабаб бўла олмайди. Бироқ кредиторлар қарздорга мазкур талабларни банкротлик тартиб-

таомили жараёнида ҳам, у туаганидан кейин ҳам қўйишга ҳақли.

Банкротлик тўғрисидаги иш, агар қарздорга нисбатан жами талаблар ЭКИХнинг камида 30 қаррасини ташкил этиб, тегишли мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан 3 ой мобайнида у томонидан ижро этилмаётган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилади.

Қарздорларнинг мазкур тоифаси учун банкрот ЯТТларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган кафолатлар амал қилади. Хусусан, тугатиш массасига қарздорнинг мулкда бўлган ва у ёки унинг оиласи доимий истиқомат қиладиган (алоҳида истиснолардан ташқари) ягона турар жой (квартира) ҳамда рўйхат бўйича қатор ашёлар киритилмайди.

Суднинг қарздорни банкрот деб топиш бўйича қарорини ижро этиш чоғида фақат унинг аввалги тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан сотиб олинган мол-мулкни реализация қилинади. Мол-мулкнинг шу жумлага мансублигини иқтисодий суд белгилайди.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 30.12.2017 йилда расман эълон қилинган ва 1.01.2018 йилдан кучга кирди.

Ушбу
сонда:

ХУМШ тўғрисидаги миш-мишлар:
ишонайликми ёки йўқми?

Чиқиндиларни чиқариш –
фойдали бизнес

3-6-БЕТЛАР

«Округ бошлиғи» –
ким ўзи?

13-БЕТ

Яна пропискага
доир янгилıklar

Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлайдиган ҳужжат

1-бетда ичига олса, ушбу ҳужжатлар қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмас. Соддарок қилиб тушунтирадиган бўлса, давлат органига илгари бирон бир ҳужжатни тақдим этган бўлсангиз, у сиздан янги мурожаатингизда яна шу ҳужжатни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, шахсни овоза қилиб, керак маълумот тақдим этилса-да, уни қўшимча ёки алоҳида тарзда талаб қилиниши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди. Қайд этиш жоизки, буларнинг барчаси бюрок-

ратия илдизига болта уришга, ҳужжат-бозлик, сарсонгарчиликка нукта қўйишга хизмат қиладиган нормалардир.

Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, у ёки бу ташкилотга ишга кириш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун бир тўда ҳужжатлар, бир қатор идоралардан рухсат, айрим шифохоналардан маълумотномалар талаб қилинади. Қонунда ана шундай ҳолатларга бундан кейин чек қўйиш, одамларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши белгиланади.

Қонун ҳужжатларида айрим масалаларни ҳал этиш ваколатли органларнинг ўз ихтиёрига берилганлиги гувоҳ бўлмиз. Бироқ органлар мазкур маъмурий ихтиёрийликни қонун ҳужжатларида қўзланган мақсад ва доирада амалга ошириши лозимлиги ҳақида аниқ, равшан талаб белгиланмаган эди. Мазкур қонунда ушбу ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилиб, маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни қонун ҳужжатларида белгиланган доирада амалга ошириши шартлиги, маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар

ва амалга оширилган маъмурий ҳаражатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак, деган қоида ўрнатилди. Бу турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, ихтиёрий масалаларни турлича талқин қилишларга ўзига хос чеклов бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлашда, мавжуд маъмурий тўсиқлар, сансаторлик ва ҳужжатбозлик кўринишларига барҳам беришда мустаҳкам қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Миравзал Миракулов,
юридик фанлари доктори, доцент.
ЎЗА.

Улгуржи савдо учун оширилган устав фонди бекор қилинади

Президентнинг 16.01.2018 йилдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

Ҳужжатга кўра, 2018 йил 1 февралдан бошлаб мамлакатимизга озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим ҳўжалик юритувчи субъектларга индивидуал имтиёз ва преференциялар тақдим қилишга нисбатан тақиқ жорий этилади. Шу санадан бошлаб яна қатор чора-тадбирлар қабул қилинади. Хусусан:

➤ шакар ишлаб чиқарувчилар йил охирига қадар импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмида ҚҚС тўлашдан озод қилинади;

➤ улгуржи савдога лицензия олишда ЭКИХнинг 3 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари ЭКИХнинг 1 200 бараваридан кам

бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади.

Шу тариқа, улгуржи савдо корхонасининг устав фонди миқдори юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб белгиланади.

Маълумот учун: улгуржи савдо соҳасида илгаридек қўйидаги лицензия талаблари ва шартлари сақлаб қолинади:

➤ улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

➤ мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатлан-

ганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши (мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган товарлар со-
тилган тақдирда).

«Ўзбекистон Республикасида» уюшмаси таркибига кирадиган корхоналар учун алоҳида талаблар (истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш) қўйилган.

Бундан ташқари, ҳужжат билан озиқ-овқат товарларига амалдаги божхона тўловлари ставкаларини оптимallasштириш, «ягона дарча» тамойилини жорий этган ҳолда товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини соддалаштириш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш харажатларини қисқартириш топширилди.

Божхона тўловларининг айнан қайси турларини оптимallasштирилиши ҳужжат билан аниқлаштирилмаган. Эслатиб ўтамиз, божхона тўловларига божхона бож, қўшилган қиймат солиғи (2018 йилда – 20%), акциз солиғи ва божхона йигимлари қўйилади.

Янги ҳисоблагичларни даврий қиёслашдан ўтказиш учун ҳақ тўланмайди

Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (олдингиси кучини йўқотди) ҳамда Табиий газдан фойдаланиш қоидалари (Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидалари кучини йўқотди) тасдиқланди.

Мазкур қоидаларда бир нечта аҳамиятли жиҳатларни ажратиб қўратиш мумкин.

Биринчидан, маиший истеъмолчилар (яъни, аҳоли)га электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатилиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёслови ва пломбалаш тегишинча ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ бу ўринда қуйидагиларни инобатга олиш даркор.

Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизими

1) Нормада фақат замонавий, яъни электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимларига интеграцияланган ҳисоблагичлар (ЭНХАТ, ГНХАТ) хусусида сўз бормоқда. Замонавий талабларга жавоб бермайдиган ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш харажатлари истеъмолчи (мулкдор) томонидан мустақил равишда тўланади.

2) Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида яна

битта шарт бор. Унда айтилишича, табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини таъмирлаш ва давлат қиёсловидан ўтказиш учун харажатлар уларнинг мулкдори томонидан қопланади. Демак, агар фуқаро унга ўрнатилган ҳисобга олиш ускунаси учун тўловни амалга оширган бўлса, у унинг мулкдори ҳисобланади ва уни даврий қиёсловдан ўтказиш ишлари учун ўзи тўловни амалга ошириши керак. Агар ҳисоблагич газ таъминоти ташкилоти томонидан ўрнатилган ва истеъмолчи унинг қийматини тўламаган бўлса, даврий қиёслов ҳам бепул ўтказилади.

3) Юқорида кўрсатилган қоидалар фақат ҳисобга олиш ускуналаридан лозим даражада фойдаланилган тақдирда амал қилади. Агар ҳисоблагичга истеъмолчининг айби билан зарар етказилган, ишдан чиқарилган ёки йўқотилган бўлса, уни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва ўрнатилиш учун тўлов истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, маиший истеъмолчилар (яъни аҳоли)нинг электр энергияси ва табиий газ истеъмо-

лини ҳисобга олиш ускуналарининг даврий давлат қиёсловидан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкил қилиш бўйича жавобгарлик, тегишинча, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотларига юклатилади.

Янгиланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида қуйидагилар тўғридан-тўғри кўзда тутилади: агар қиёсловдан ўтказиш муддати ўтиб кетган, бироқ электр таъминоти корхонаси қиёсловдан ўтказмаган бўлса – истеъмолчи ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича тўловни амалга оширишни давом эттиради. Бундай ҳолда электр таъминоти корхонаси истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш қиёслашларо интервал муддати ўтган ҳисоблагич билан амалга оширилган давр учун қайта ҳисоб-ки-тоб қилишга ҳақли эмас. Табиий газдан фойдаланиш қоидалари бундай кафолатни ўз ичига олмайди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш фақат уларнинг ихтиёрига биноан амалга оширилади. Демак, энергия таъминоти ташкилотлари бундай хизматларга мажбурлаши мумкин эмас.

Маълумот учун: уланшиш учун ҳужжатлар «ягона дарча» ягона марказларида қабул қилинади. Тадбиркорларни электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартиби билан таништириш тақлиф этилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.01.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

• **ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ**
– Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлайдиган ҳужжат
1-2-бетлар
• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этиш
– Мулкни қўбд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун – маъмурий жазо
– Формали қийим-бош савдоси – лицензия асосида
– Қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар пакети кучга кирди

– Рекламада лицензия ва сертификатлар тўғрисида эслатиш шарт эмас
1-3-бетлар
• **ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Ҳақни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан тузилдиган шартнома хусусиятлари
– Ўз холи қандай сотилади
• **РАСМИЙ ҲЎЖАТЛАР**
• **БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ**
– «Эшитдингизми? Ширкатлар бўлмас эмиш...»
– Шаҳар тазалиги учун масъулият

– Манманлик намоиши ёки ким аслида ким
– «Pro House» уй-жойларни самарали бошқаришда ёрдам беради
– «Электрон поликлиника» тизими жорий этилди
9-12-бетлар
• **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Пойтахтга қариндошлар билан
– Бошқа шаҳарлик турмуш ўртоғи учун маълумотнома керак эмас
– Талаблар бажарилганда

– Онага хос эмас
13-бет
• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Кадрларга оид ҳужжатлар: турлари ва расмийлаштирилиши
14-15-бетлар
• **АВТОНОРМА**
– Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш: талабми ёки тавсия?
– Россияда қайдоқлар ДИФХБдан келг олмайдиган бўладилар
– Автоташишлар: инфратузилманинг яхшиланиши ва янги йўналишлар
16-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Мулкни нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун – маъмурий жазо

3.01.2018 йилдаги ЎРҚ-456-сон Қонун билан айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодексига (173-модда) мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик аввалдан назарда тутилган. Бироқ зарар анча миқдорда – ЭКИХнинг 100 бараваригача етмагунча (мақола эълон қилинган пайтда – 17 224 000 сўм ёки 2 117 АҚШ доллари) жиноий жавобгарлик юзага келмайдиган.

Қонун қабул қилингунга қадар Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодексда (МЖТК) камроқ суммадаги мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун аниқ модда бўлмаган эди. Шу сабабли аксарият ҳолларда бундай ҳаракатларни майда безорилик (МЖТКнинг 183-моддаси – ЭКИХнинг 5 бараваригача жарима ёки 15 суткагача муддатга қамок) ёки ўзбошимчалик (МЖТКнинг 200-моддаси – ЭКИХнинг 3 бараваригача жарима) сифатида малакалашга тўғри келар эди.

Энди МЖТКда 61-2-«Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш» алоҳида моддаси вуҷудга келди.

Зарар майда, яъни ЭКИХнинг 30 бараваригача бўлса (мақола эълон қилинган пайтда – 5 167 200 сўм), ЭКИХнинг 5 бараваригача жарима солинади (мақола эълон қилинган пайтда – 861 200 сўм).

Агар зарар ЭКИХнинг 30 дан 100 бараваригача бўлса (мақола эълон қилинган пайтда – 5 167 200



сўмдан 17 224 000 сўмгача), ушбу ҳаракатлар нафақат ЭКИХнинг 10 бараваригача миқдорда жарима солишга (мақола эълон қилинган пайтда – 1 722 400 сўм), балки 15 суткагача муддатга қамокқа ҳам сабаб бўлади.

Устав фондида давлат улушига эга бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мол-мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик фақат уларнинг раҳбарлари, мулкдорлари ёки ваколатли бошқарув органларининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистонда 59 та фаолият тури лицензияланади (қўшимчани ҳисобга олган ҳолда). Лицензияловчи орган, лицензия талаблари ва шартлари, шунингдек лицензия бериш тартиби ва муддатлари, қоидага кўра, Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган махсус низомда кўрсатилади.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 5.01.2018 йилдан кучга кирди.

Формали кийим-бош савдоси – лицензия асосида

Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати (Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорида 1-илова) ЎРҚ-456-сон Қонун билан тўлдирилди.

Рўйхатга вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг

тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолият киритилди. Лицензиялаш бўйича таомилдан ўтиш тартиби, муддатлари ҳамда лицензия талаблари ва шартлари кейинроқ тасдиқланади.

Бинобарин, реализация қилинадиган формали кийим-бошининг намуналари тасдиқланган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар пакети кучга кирди

9.01.2018 йилдаги ЎРҚ-459-сон Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилди.

Биринчидан, Фуқаролик кодекси, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан энди **шуъба, тобе ва унитар корхоналар ўз мулкида ўзининг асосий жамияти устав капиталдаги улушга (акцияларга) эга бўлишга ҳақли эмас**. Агар улар 10.01.2018 йилгача олинган бўлса, улар улушларни (акцияларни) сақлаб қоладилар, бироқ иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

Шу билан бирга яна бир таққ жорий этилди. Шуъба ва тобе корхоналар ходимлари ҳамда уларнинг бошқарув органлари аъзолари, унитар корхона раҳбари ва ходимлари тегишсизга АЖ кузатув кенгаши ва масъулияти чекланган жамият аъзолари бўла олмайдилар.

Иккинчидан, солиқ хизмати товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишни кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинча тўхта-тиб туриш ҳуқуқига эга бўлди. Бу суддан ташқари

тартибда амалга оширилади. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ кодексига ҳам тегишли қўшимчалар киритилди.

Қонунга кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилиш қўйидагилардир:

➤ камерал назорат жараёнида аниқланган, кирим қилинган ва реализация қилинган (сарфланган) товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг мос эмаслиги, худди шунингдек банк операцияларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хусусияти ва турига мос эмаслиги;

➤ солиқ текшируви жараёнида аниқланган, товарлар (ишлар, хизматлар) кирим қилинганлиги далили тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, алмаштириб қўйилганлиги, қалбакилаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, реализация қилинмаган товарлар сифатида ҳисобга олинган товарларнинг оморда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги;

➤ хўжалик юритувчи субъектларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан реализация қилаётганлиги ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Рақобатни чекловчи оғзаки шаклдаги келишувларга, айрим истиснолардан ташқари, таққ жорий этилди. Лойиҳада назарда ту-

тилган субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдидан розилик олиш учун қўшимча шарт (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш чоғида ташкил этилган шахснинг бозордаги улуши 35% ва ундан ортиқчи ташкил этиши мумкин) якуний таҳрирда йўқ. Яъни бу ҳолда олдидан розилик олиш талаб этилмайди.

Бундан ташқари, олдидан розилик олиш учун ҳужжатларни 2018 йилнинг 1 декабрдан бошлаб «ягона дарча» марказларига тақдим этиш мумкин бўлади.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 10.01.2018 йилдан кучга кирди.



Рекламада лицензия ва сертификатлар тўғрисида эслатиш шарт эмас

Давлат рақобат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 6.01.2018 йилда 1024-9-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга тузатишлар киритилди.

Илгари реклама қилинаётган товарлар сертификатланиши, хизматлар эса лицензияланиши лозим бўлган тақдирда, рекламага «Товар сертификатланган» ва «Хизмат кўрсатиш лицензияланган» (шунингдек кўпликда) матнли ёки овозли хабарни киритиш мажбурий эди. Тузатишлар ушбу талабни бекор қилди.

Аввалгидек, сертификатланадиган товарларни ва лицензияланадиган хизматларни тегишли ҳужжатларсиз реклама қилиш тақиқланади («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси). Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи реклама берувчидан лицензия ва мувофиқлик сертификатини талаб этишга ҳақли ва шундай қилган маъқул. Бироқ **реklamанинг ўзида лицензия ва сертификатлар тўғрисидаги хабарни (қўшимча ёзувни) энди киритмаса ҳам бўлади**.

Лицензияланиши лозим бўлган реклама қилинадиган хизматлар ёки сертификатланадиган товарлар учун рухсат берувчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги

аниқланган тақдирда бундай реклама тайёрловчи ёки тарқатувчига ЭКИХнинг 5 дан 7 бараваригача миқдорда маъмурий жарима солинади. Реклама берувчининг ўзини бу ҳолатда лицензиясиз фаолият билан шуғулланганлиги (МЖТКнинг 190-моддаси) ёки савдо ёхуд хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлиги (МЖТКнинг 164-моддаси) учун жавобгарликка тортишлари мумкин.

Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 8.01.2018 йилдан кучга кирди.

Ҳақни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан тузиладиган шартнома хусусиятлари

МЧЖ (ЯСТ тўловчиси, асосий фаолият тури – улгуржи савдо) Корея компанияси билан олдиндан тўловсиз консигнация шартларида олди-сотди контрактини тузди (консигнация шартлари – товар ҳақи у реализация қилингандан кейин тўланади).

Тўлов шартлари улгуржи савдо деб тан олиниши учун тўғри ифодаланганми? Бундай контрактнинг воситачилик хизматларига киритилиш хавфи юзага келади?

Э.Каримова, бухгалтер.

– Ушбу саволларга жавоб бериш учун консигнация ва олди-сотди тушунчаларини фарқлаб олиш лозим.

Консигнация товарларни комиссия сотиш шакли ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланишича, комитентдан воситачига ўтган ёки воситачи комитент ҳисобидан сотиб олган ашёлар **комитентнинг мулки бўлади** (ФКнинг 838-моддаси 1-хатбошиси).

Консигнация экспорт контрактлари учун ҳам худди шундай шарт белгиланган.

Экспортчи консигнант ва консигнатор орасида товарни консигнатор орқали сотишга тузилган контракт консигнация экспорт контрактлари деб тан олинади,

бунда консигнатор омборига тушган **товарга мулк ҳуқуқи товар харидорга сотилишига қадар экспортчи консигнантга тегишли бўлади** (АВ томонидан 15.10.1999 йилда 832-сон билан рўхатдан ўтказилган Тартибнинг 3-банди).

Ўз навбатида **олди-сотди шартномаси бўйича** бир тараф (сотувчи) **товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш** мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун

белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 386-моддаси 1-хатбошиси).

Шу тариқа, сиз тузаётган контрактда сотиб олинадиган товарга мулк ҳуқуқининг ўтиш пайти муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Тарафлар товарни сотиб олувчининг мулки қилиб сотиб олган ҳолда олдиндан ҳақини тўламасдан товарларнинг олди-сотди контрактини тузиш ниятида бўлсалар, бундай контракт ҳақни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан тузилган контракт ҳисобланади (ФКнинг 421, 422-моддалари).

Шу сабабли **тузилаётган контрактда «консигнация» атамасини қайд этмасликни**, балки, мисол учун, куйидаги шартларни белгилашни тавсия этамиз: «**Ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учинчи шахсларга реализация қилинган суммадаги товар ҳақи ҳар бир календарь ойининг 10 (ўн) банк кун ичида Сотувчига тўланади. Бунда Сотиб олувчига берилган товарнинг бутун суммаси товар эркин муомала учун чиқариш божхона режимида расмийлаштирилган кундан бошлаб 180 (бир юз саксон) календарь кундан кечиктирмай Сотувчига тўланиши шарт.**»

Бўлиб-бўлиб тўланадиган тўлов миқдори ушбу мисолда кўрсатилганидан фарқ қилиши мумкин.

Ўз ҳосили қандай сотилади

МЧЖ (ягона ер солиғи тўловчиси) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради (иссиқхоналарда). Биз янги ташкилотмиз, бугунги кунда ҳажмлар катта эмас, етиштирилган маҳсулотларни узоқ сақлашга имконимиз йўқ. Улгуржи савдога шартномалар тузмаганмиз.

1. Савдон қандай қилиб тўғри ташкиллаштириш мумкин?
2. Иссиқхона ёнида савдо шохобчасини ташкиллаштира оламизми?
3. Ўзимиз етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (помидор, кулупнай) сотишда харидорларга қандай ҳужжатларни тақдим этишимиз зарур?

С.Йўлдошева, бош бухгалтер.

1 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чакана савдосини ташкиллаштиришда Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори би-

лан тасдиқланган) ҳамда Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига (ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова) риоя этиш лозим.

2 Сиз нафақат тургун савдо шохобчасини ташкиллаштиришингиз мумкин, балки шарт.

Тургун чакана савдо шохобчаси – ажратилган ер участкаларида лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилган, санитария ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва талабларига жавоб берадиган, савдо залига, савдо асбоб-анжомларига ҳамда товарларни сақлаш, сортларга ажратиш ва қадоқлаш учун хоналарга эга бўлган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган объект (бино,

иншоот) (407-сон Низомнинг 2-банди).

Шу тариқа, чакана савдо қилишда объект тургун савдо шохобчасига қўйиладиган талабларга мувофиқ келиши шарт. Иссиқхона ёнида бундай савдо шохобчасини ташкиллаштира оламиз, уни бошқа жойда очишга ёки шу мақсадда бинони ижарага олишга ҳақлисиз.

Товарларни сотишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар **НКМ мажбурий тартибда қўлланган ҳолда** амалга оширилиши шарт, ВМ томонидан бел-

гиланадиган хўжалик юритувчи субъектлар бундан мустасно (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 1-илова).

Ўз фаолияти хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган бундай хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига (ВМнинг 306-сон қарорига 3-илова) деҳқон бозорларида савдо ўринлари ташкил этган ҳолда ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари, шунингдек сўйилган моллар гўшти билан савдо қиладиган (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар бундан мустасно) шахслар ҳам қирадилар.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, тургун савдо шохобчаларида банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича **ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги** таъминланиши керак (407-сон Низомнинг 19-банди).

3 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тургун савдо шохобчаси орқали аҳолига сотишда қўйиладиган асосий талаб – товарнинг ҳақи нақд пул билан тўланганда харидорга НКМ чекини ёки банк пластик картчасидан фойдаланиб нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилганда тўлов терминали чекини бериш (Қоидаларнинг 22-банди).

Бундан ташқари, **сотувчи харидорнинг талабига кўра:**

➢ товарни тайёрловчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили), харидорлардан эътирозларни қабул қилиб олишга ва товарни тузатувчи ва унга техник хизмат кўрсатувчи тайёрловчи (сотувчи) томонидан вакил қилинган ташкилот (ташкилотлар)нинг жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотни;

➢ сертификатнинг асп нусхаси эгаси ёки сертификатни берган товарларни сертификатлаш бўйича орган томонидан тасдиқланган сертификатнинг нусхасини (мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларни сотишда);

➢ тайёрловчи ёки етказиб берувчи (сотувчи) томонидан зарур тарзда расмийлаштирилган товарга илова қилинадиган ҳужжатларни **тақдим этиши шарт** (Қоидаларнинг 14-банди).

Шунга эътиборингизни қаратамизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим тоифаси мажбурий тартибда сертификатланиши керак (Рўхат, ВМнинг 28.04.2011 йилдаги 122-сон қарорига 1-илова).

Реклама

**«КИЧИК КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимгаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

ORMA



РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:

– «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма);
– «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ 2018 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 18 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

(Кўчирма**)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-XII-сонли Қонуни **25-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб борувчи коэффициентларни киритиш»;

ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **22-модданинг йигирма тўртинчи хатбошисидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **23-модданинг:**

иккинчи қисми:

9-банди чиқариб ташлансин;

10-бандидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бошқа мажбурий тўловлар жумласига қуйидагилар қиради:

1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг сугурта бадаллари;

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йигимлар;

2) давлат бож;

3) божхона тўловлари;

4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим»;

олтинчи қисмидаги «1–4» ва «5» рақамлари тегишинча «1–3» ва «4» рақамлари билан алмаштирилсин;

3) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **80-модданинг еттинчи қисмидаги** «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **121-модданинг:**

иккинчи хатбошисидаги «икки баравари» деган сўзлар «тўрт баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «бир ярим баравари» деган сўзлар «уч баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **130-модданинг биринчи қисмидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **145-модда:**

17-бандидаги «агар ушбу Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20-бандидаги «солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

30-банди «шунингдек солиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

50-банди «шунингдек пенсияга чиқаётган меҳнат факторларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 30.12.2017 йилда ва «Халқ сўзи» газетасининг 30.12.2017 йилдаги 264 (6958)-сонида расман чоп этилган.

**Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

қуйидаги мазмундаги **58–63-бандлар** билан тўлдирилсин:

«58) ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун бериладиган товарларнинг нархларидаги фарқлар (зарарлар);

59) хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

60) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

61) шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишларини бажариш харажатлари;

62) ишлатиб келинаётган, тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ;

63) ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини тўлашга доир харажатлар;

8) **146-модда:**

Биринчи қисмининг биринчи хатбошиси «Ушбу моддада келтирилган харажатлар» деган сўзлардан кейин «агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1–3-бандларида кўрсатилган харажатлар улар юзга келган пайтда жорий ҳисобот даврида ҳам чегирилиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **147-модданинг:**

2, 4, 5, 7, 8, 16, 17, 26 ва 26¹-бандлари чиқариб ташлансин;

12-бандидаги «пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **154-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «10» рақами «7» рақами билан алмаштирилсин;

саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

11) **156-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

12) **176-модданинг 4-бандидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **179-модда:**

2-бандининг учинчи хатбошисидаги «ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди «агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«халқро ҳамда чет эл ташиқлотлари ва фондларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган органнинг ҳулосаси бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахсининг грант берувчидан олган гранти суммаси»;

19-банди чиқариб ташлансин;

14) 204-модданинг йигирманчи қисмидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **208-модданинг:**

17, 18, 20 ва 26-бандлари чиқариб ташлансин;

19-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«19) босма маҳсулотлар. Ушбу бандни қўллаш мақсадида босма маҳсулотлар жумласига миллий валюта (купюра), китоб маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларининг даврий босма нашрлари (реклама тусидаги босма нашрлар бундан мустасно), дафтарлар ҳамда расм ва чизмачилик альбомлари тааллуқлидир»;

16) **211-модданинг 11-бандидаги** «ёғоч-тахта» деган сўз «юридик шахслар томонидан олиб кирилатган ёғоч-тахта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **222-модда иккинчи қисмининг 9¹ ва 10-бандларидаги** «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **228-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «қуйидаги ҳужжатларни ёзма аризага тўрт нусхада илова этган ҳолда» деган сўзлар «қуйидаги ҳужжатларни қозғоғдаги шаклда уч нусхада илова этган ҳолда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **261-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **7-Банд** билан тўлдирилсин:

«7) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ҳажмига»;

20) **265-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахсининг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир»;

21) **266-модда:**

биринчи қисмининг 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) кўчмас мулк, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган кўчмас мулк»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишinchа **иккинчи ва учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг биринчи жумласи чиқариб ташлансин;

22) **267-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«кўчмас мулк бўйича – ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сийасатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади»;

иккинчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **268-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **269-модданинг биринчи қисми:**

10-бандидаги «асосий ишлаб чиқариш фондларининг» деган сўзлар «кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13–16-бандлари чиқариб ташлансин;

25) **271-модданинг ўнинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади»;

26) **274-модданинг биринчи қисмидаги** «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

27) 277-модданинг учинчи қисмидаги «инвентаризация» деган сўз «кадастр» деган сўз билан алмаштирилсин;

28) 285-модданинг биринчи қисмидаги «15 февралга» деган сўзлар «10 январига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) 286-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер солиғини тўлаш юридик шахслар томонидан ҳар ойнинг 10-кунига қадар ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдориди амалга оширилади»;

30) 290-модда биринчи қисмининг 10-банди чиқариб ташлансин;

31) 291-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Якка тартибда уй-жой қуриш ва уйлари ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ ҳўжалиги экинлари экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда ер солиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч баравар миқдорда тўланади»;

32) XIII бўлим чиқариб ташлансин;

33) XIV бўлимининг номидаги «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

34) 301-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охири истеъмолчиларга:

бензин, дизель ёқилғисини, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали;

газга автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир»;

35) 302-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газни охири истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектидир, бундан ихтисослаштирилган газ қўйиш шохобчалари орқали аҳолига маиший эҳтиёжлар учун реализация қилинадиган суюлтирилган газ мустасно»;

36) 304-модданинг матнидаги «Транспорт воситаларига», «транспорт воситаларига», «транспорт воситалари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

37) XV бўлимининг номидаги «ИЖТИМОЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА» деган сўзлар «ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРГА» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) 311-модда:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 4 ва 5-бандлар билан тўлдирилсин:

«4) қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган ҳунармандчилик субъектлари – «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари томонидан – ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида ойдаги энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди;

5) «Уста-шигирд» мактаби ўқувчилари томонидан уларнинг 25 ёшга тўлгунча қадар бўлган иш даврида – йилига энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда. Белгиланган миқдордаги сугурта бадалларининг тўланиши меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади»;

учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи ҳунармандчилик субъектлари – «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари сугурта бадалини тўлашдан озод этилади, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия

олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун эса сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак»;

39) 52-бобнинг номидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) 312-модданинг:

биринчи қисми биринчи хатбошисидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми биринчи хатбошисидаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) 313-модданинг:

биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардан иборат:

1) иссиқлик ва сув таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун – маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини бажарувчи юридик шахслар учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун – товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва сугурта ташкилотлари учун – агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фойзли даромад суммаси;

7) газ таъминотини ва электр таъминотини амалга оширувчи юридик шахслар учун – қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда тегишинча табиий газ

ва электр энергиясини охирги истеъмолчиға реализация қилиш ҳажми;

8) дон маҳсулотларини қабул қилиш (дон маҳсулотларини қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналари) фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар – қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда, устама ва чегирма;

тўртинчи қисмидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) 315-моддадаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» деган сўзлар «Давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) XVI бўлимининг рақамланиши ва номи ҳамда 53-боб чиқариб ташлансин;

44) XVI бўлим чиқариб ташлансин;

45) 349-модда:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида белгиланган чегаравий миқдордан ортқ майдони бўлган ер участкаларига эга ягона солиқ тўлови тўловчилари учун ер солиғи»;

саккизинчи–ун учинчи хатбошилари тегишинча **тўққизинчи–ун тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

46) 354-модданинг иккинчи қисмидаги «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

47) 355-модда иккинчи қисми:

1-бандининг:

биринчи хатбошисидаги «транспорт воситаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

48) 356-модда биринчи қисмининг 3-банди чиқариб ташлансин;

49) 363-модданинг бешинчи қисмидаги «ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

50) 372-модда:

бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

51) 374-модданинг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилаётган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи, I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар бўйича эса энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади»;

52) 375-модданинг тўртинчи қисмидаги «25» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

53) 376-модданинг иккинчи қисмидаги «ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирилсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун 2018 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Маъмур Қонун 2-моддасининг 11-банди, 13-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари ҳамда 15, 16, 30, 45 ва 48-бандлари 2018 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.МИРЗИЕЕВ.

*Тошкент ш.,
2017 йил 29 декабрь
УРҚ-454-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АЙРИМ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

*Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 19 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган*

(Кўчирма)**

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги 510-XII-сонли Қонунига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 13-модданинг иккинчи қисмидаги «масалалари» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) 16-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидagi ваколатлари

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидagi давлат сиёса-

*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 5.01.2018 йилда ва «Халқ сўзи» газетасининг 5.01.2018 йилдаги 2 (6960)-сонидан расман чоп этилган.

**Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

тини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларни тегишли кафолатлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

меҳнат бозори ҳолатининг мониторингини ташкил этади ҳамда шу асосда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида янги иш ўринларини ташкил этишга доир йиллик буюртмаларни шакллантиради;

меҳнат бозорини тартибга солиш ва бандлик соҳасида бозор шароитларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (бундан буён матнда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси деб юритилади) маблағларидан ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, унинг малакасини ошириш учун фойдаланишининг йўналишларини белгилайди;

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан текширув ва назоратни таъминлайди;

ишга жойлаштириш муҳтож бўлган шахсларни иқтисодиётнинг ва меҳнат бозорининг ҳақиқий эҳтиёжларига мувофиқ касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таъминлиги таъминланади;

бошқа вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

илгор ахборот технологияларини ишга жойлаштириш жараёнига жорий этади, шу жумладан бўш иш ўринларининг миллий базасини яратади ва уни доимо ривожлантириб боради;

ишга жойлаштириш кўмаклашиш бўйича хизматлар кўрсатиш бозориде замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратади;

аҳоли ва иш берувчилар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Маҳаллий меҳнат органлари:

меҳнат органларига мурожаат этган ишсизларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлайди;

фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ҳодимларни танлашда ёрдам беради;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқаролар ва иш берувчиларга иш топиш ва ишчи кўчи билан таъминланиш имкониятлари тўғрисида, ҳодимларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳақида ва иш билан таъминлашга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;

ишсизларнинг рўйхатга олинишини таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

меҳнат бозорининг ҳолатига ва мазкур бозорни ривожлантириш истиқболларига баҳо беради ҳамда унинг мониторингини ташкил этади ва ўтказида ҳамда тегишли ахборотнинг тарқатилишини таъминлайди;

иш қидириб мурожаат қилган фуқароларнинг, шунингдек бўш иш ўринларининг (вакант лавозимларнинг) ҳисобини юритади;

аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг бажарилиши мониторингини ушбу дастурларга киритилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган ахборот, шунингдек давлат статистика органларининг маълумотлари асосида амалга оширади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар ҳамда амалга оширилиши натижасида ҳодимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнатнинг хусусияти ва шарт-шароитлари тўғрисида ахборот олади;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларидан уларнинг йўналиши ва ихтисослашуви, битирувчиларнинг касб-малака таркиби ҳамда сони тўғрисида ахборот олади;

меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёрларлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда ишга жойлаштириш учун юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга қабул қилиш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш тўғрисида тақлифларни ишлаб чиқади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қўриб чиқиши учун киритади, шунингдек мазкур фуқароларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юборади;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишончномаси асосида улар номидан фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисида уларни олдиндан (зарурат бўлган тақдирда) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, йўқира, қудалик харажатлар ҳақини тўлаш шарти билан шартномалар тузади, шунингдек янги яшаш ва иш жойига кўчиб бориш чоғида тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан ёрдам пули беради;

ишсизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига белгиланган тартибда уларнинг ўз хоҳишига кўра жўнатади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағларини белгиланган тартибда тасаруф этади;

фуқароларга ишсизлик нафақасини белгиланган тартибда тайинлайди.

Маҳаллий меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Меҳнат органлари томонидан аҳолига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, бошқа иш берувчиларга кўрсатилаётган хизматлар, шу жумладан меҳнат бозори ҳолати тўғрисида ахборот бериш бўйича хизматлар бепул амалга оширилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 531-моддасининг саккизинчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд қарорининг жарима солишга ва бошқа мулкий ундиришларга тааллуқли қисmini ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари суд қарорининг

нужности билан бирга биринчи инстанция суди томонидан суднинг қарори қонуний қучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси суддан қайтарилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай маҳкумнинг яшаш жойидаги ёхуд жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг мол-мулки турган жойдаги давлат ижроичиларига юборилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «194, 218» рақамлари «194, 209¹, 218» рақамлари билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **61²-модда** билан тўлдирилсин:
«61²-модда. Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш

Ўзганиш мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганиш мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш кўп бўлмаган миқдорни ташкил этса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оз миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Устав фондида давлат ўлуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади»;

3) **97-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«97-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **193-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«193-модда. Депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг қафолатларини бузиш

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона-

лар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан депутатлар ҳамда сенаторлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш, уларга атайлаб сохта маълумот бериш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг қафолатларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш»;

5) қуйидаги мазмундаги **209¹-модда** билан тўлдирилсин:

«209¹-модда. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш

Формали кийим-бош кийиб юриши назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг тасдиқланган намунадаги ҳарбий, идоравий ва махсус формали кийим-бошини бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахслар томонидан кийиб юриш, —

формали кийим-бошни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **245-модда:**

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида яқка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам маъмурий ишлар бўйича судьялар кўриб чиқади, ушбу Кодекснинг 283-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

7) **257-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмошчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмошчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қисмида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **264-модданинг биринчи қисмидаги** «164-моддасининг биринчи ва бешинчи қисмларида, 168, 171, 172, 174-моддаларида, 175-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 175¹, 175², 176¹, 179¹, 215¹-моддаларида» деган сўзлар «168-моддасида, 174-моддасининг учинчи қисмида ва 215¹-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **265-модданинг биринчи қисмидаги** «178-моддасида (истеъмошчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **268¹-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«268¹-модда. Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш органлари Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 215¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат

қўмитасининг раиси ҳамда унинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий органларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари – энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда жарима солишга;

12) 268^м-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 99 ва 178-моддаларида (истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома қўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади»;

13) 287-модданинг 1-банди «209» рақамидан кейин «209^м» рақами билан тўлдирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) 40-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаб, ишнинг қурилишини кейинга ҳолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар қўриш учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак»;

2) 218-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар қўриш учун эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак».

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-илоvasи қуйидаги мазмундаги эллик тўққизинчи хат-боши билан тўлдирилсин:

«Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳарбий хизматчилари ҳамда ҳодимларининг тасдиқланган намунадаги формали кийим-боши савдоси бўйича фаолият».

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) 84-модда:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 271-моддасининг иккинчи қисмида ва 283-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар аниқланган тақдирда, бундан қурилиш тугалланган объектларда товарлар ишлаб чиқариши ва хизматлар қўрсатишни ташкил этиш бўйича олинган мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган ҳоллар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш

қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ер участкаси жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига бу ҳақда уч календарь кун ичида хабар бериши шарт»;

тўртинчи-ўн унчинчи қисмлари тегишинча **бешинчи-ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 130-модда:

ўн биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади, ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартиб-га солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинмаган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини қўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) 204-модда:

иккинчи қисми қўшбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини қўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ солинадиган база солиқ солиш мақсадида товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

учинчи-йигирманчи қисмлари тегишинча **тўртинчи-йигирма биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) 271-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив мuddатда, қурилишнинг норматив мuddати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаган мол-мулк солиғи солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорда, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ушбу тартиб қурилиш тугалланган объектларда товарлар ишлаб чиқариши ва хизматлар қўрсатишни ташкил этиш бўйича олинган мажбуриятларни ўн икки ой ичида бажармаган тадбиркорлик субъектларига,

шунингдек ушбу қисмда кўрсатилган объектларни олган эгаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Объектлар қурилишининг бошланиш ва тугалланиш муддатларини ҳисоблаб чиқариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан аниқланган объектлар бўйича мол-мулк солигини ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайдилар;

Иккинчи-ўн биринчи қисмлари тегишинча тўртинчи-ўн учинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

5) 283-модда куйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларида объектлар қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган тақдирда эса қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида тугалланмаганда ер солиғи солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб, белгиланган ставканинг уч баравари миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари ахбороти асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бунда ушбу тартиб мазкур қисмда кўрсатилган объектларни олган эгаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Объектлар қурилишининг бошланиш ва тугалланиш муддатларини ҳисоблаб чиқариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан аниқланган объектлар бўйича ер солигини ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайдилар;

6) 329-модданинг:

24-бандидаги «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36-бандидаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 330-модданинг 19-бандидаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 331-модданинг 12-бандидаги «Меҳнат» деган сўз «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 338-модданинг ўн олтинчи қисми куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мол-мулкнинг алоҳида тоифаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат божини ҳисоблаб чиқаришнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкин»;

10) 349-модда куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар ушбу Кодекс 271-моддасининг иккинчи қисмида ва 283-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда мол-мулк солиғи ва ер солигини ҳам тўлайдилар»;

11) 355-модда иккинчи қисми 1-бандининг саккизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боглиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилувчи, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) текин берувчи юридик шахслар учун – агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси (товарни олиш билан боглиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда). Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олиннадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ўзи ишлаб чиқарган товарларни жаҳон бозорида ҳақиқий вужудга келган нархлар бўйича, шу жумладан таннархидан паст нархлар бўйича экспорт қилиш масалаларини кўриб чиқувчи махсус ваколатли органнинг қарорлари асосида ушбу товарларнинг таннархидан паст нархлар бўйича хорижий валютага экспорт қилинганда, солиқ олиш мақсадида товарларни реализация қилишдан олинган тушум товарларни реализация қилишнинг ҳақиқий баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига бепул бериладиган товарларга (ишларга, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди».

37-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

38-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун 30-моддасининг 1, 4, 5 ва 10-бандлари ушбу Қонун қучга қирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.МИРЗИЕВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 3 январь,
УРҚ-456-сон.



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент шаҳ. Миробод тумани, Таълимаржон кўчи, 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz



Маърифий мавзудаги тўплам*

МУНДАРИЖА:

- ✓ «Эшитдингизми? Ширкатлар бўлмас эмиш...»
- ✓ Шаҳар тозалиги учун масъулият
- ✓ Манманлик намоиши ёки ким аслида ким
- ✓ «Pro House» уй-жойларни самарали бошқаришда ёрдам беради
- ✓ «Электрон поликлиника» тизими жорий этилди



Миш-мишларни рад қиламиз

«Эшитдингизми? Ширкатлар бўлмас эмиш...» Эркин мавзудаги иншолар



Миш-мишлар қанчалик гаройиб бўлса, уларга шунчалик кўп ишонадилар. Ҳар биримизга бевосита алоқадор бўлган уй-жой соҳасида бугунги кунда улар жуда кўп. Оғиздан-оғизга яшин тезлигида ўтиб, ақлларни жунбушга келтирмоқда, ижтимоий тармоқларда тарқатилиб, уларга ҳар хил фикрлар билдирилмоқда. Кимдир уларни жамоатчилик фикри барометри деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, у ҳолда ушбу барометр меъёридан ортиқ ишлаб, капитал таъмирга муҳтож бўлиб қолди. «Бу йилдан бошлаб ширкатлар бўлмас эмиш, аввалги уй-жойдан фойдаланиш идораларини (ЖЭК) қайтарармишлар». «Ҳаммага бир хил тариф белгиланармиш». «Уйдаги ҳар битта қаватга алоҳида бадал солинармиш». «Бир уйли ХУМШлар тақиқланармиш». «Хусусий бошқарувчи компаниялар ёпилармиш». «Барча бухгалтерлар ишдан бўшатилармиш». «Ширкатлардан муҳрлар олиб қўйилармиш» ва шу сингари ваҳимали гаплар. Мана шундай уй-хаёллар ва фаразлар ҳукм сурмоқда.

УКХни ислоҳ қилиш доирасидаги ўзгаришлардан фуқароларнинг беҳабарлиги, ХУМШ, бошқарувчи компаниялар (БК), ҳокимликлар ходимларининг (ана шу ўзгаришлар тезроқ рўй бериши уларга боғлиқ бўлганларнинг) улар моҳиятини тўлиқ англамаслиги бундай фикрлар юзага келишига замин яратмоқда. Бироқ асосий сабаб – уй-жой соҳасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларига

тузатишлар киритилмаганлигида, улардаги бир қатор нормалар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зид. Уларга киритиладиган ўзгартришлар ва қўшимчалар, шунингдек янги ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиш ва қўриб чиқиш босқичида турибди. Бироқ бу пайтда ақл бовар қилмайдиган миш-мишлар, очик-ойдин нотўғри маълумотлар қулоққа чалинмоқда.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга вақолатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Аҳоли ва ширкатлар раҳбарларини тинчлантирмоқчимиз. ХУМШ амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ишлашда давом этмоқда. Бошқа ҳаммаси бекор гап!

Уй-жой соҳасининг ижтимоий аҳамияти инобатга олинса, бу мавзудаги «иншолар» оғизга тушишини англаш мумкин. Уларга ҳуқуқий саводсизлик, очик-ойдин уйдирма, ҳозирча ишлаб чиқиш босқичида бўлган бир қатор янгиликларни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий дастакларнинг йўқлиги қўшилса, истеъмол учун хавфли таом ҳозир бўлади.

Бу миш-мишларни бегараз деб бўлмайди. Улар аҳолининг норозилигига, ўзгаришларга ишонмаслигига олиб келиб, уларнинг илгари сурилишига тўсқинлик қилади. Бўлажак ва бошланган ўзгаришларнинг бундай талқин этилиши гаразли ниятда қилинмаётганлигига ишонгимиз келади. Эскилик доим янгиликка қарши чиқади. Айниқса УКХ сингари мураккаб соҳадаги янгилик ўз ўрнини исталганидек тез эгалламайди. Шу сабабли ўз ишини хотиржам давом эттириш лозим.

Яна бир жиҳат. Утган йилларда уй-жой соҳасида ислохотларни рўёбга чиқариш амалиёти улар пойтахтда эмас, балки минтақаларда тезроқ ҳаётга татбиқ этилганлигини намоён этди. Маърифатли пойтахт янгиликларга бирмунча юқоридан туриб, танқидий назар билан қараган, оқибати қандай бўлишини кузатган. Ҳозирги вазият ҳам ўша тажрибани ёдга солмоқда. Минтақаларда бу жараён бир маромда кечади. Улар ўзгаришларни яхшироқ қабул қиладилар деб ҳисоблаш мумкинми? Билмайман. Бироқ у ерда ХУМШ мавзусида шунча фикр эшитмаслигиниз тайин.



Яхши заминга сепилган уруғ баракали ҳосил беради, албатта. Шу боис ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун у тайёрланган бўлиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, улар ҳақида аҳолини, шунингдек ислохотларга жалб этилган барча тузилмаларни ҳуқуқий жиҳатдан кенг хабардор қилиш даркор. Авваламбор бу Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, ХУМШ уюшмалари, профессионал бошқарувчи ва уй-жой фондида хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг вазифаси. Бунинг учун вақт бор. Янги ҳужжатларни кутамиз. Бу соҳадаги ўзгаришлар авж олиши учун биз, аҳоли ҳам бир чеккада кузатувчи бўлиб турмаслигимиз лозим. Келинг, ушбу ўзгаришларни кучок очиб кутиб олайлик. Миш-мишларга эса ишонмайлик.

ХУМШ тўғрисидаги ўринсиз миш-мишлар

1. «2018 йилда ХУМШ бўлмас эмиш...»

Ширкатлар – умумий мулкни биргаликда бошқариш ва тутиб турилишини, уй-жой фонди сақланиши ва таъмирланишини таъминлаш учун ташкил этиладиган хусусий уй-жой мулкдорлари бирлашмаларидир. Амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида улар уй-жой соҳасида фаолият юритувчи асосий шахслар бўлиб қолмоқда. Ислохот улар иши самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

2. «ХУМШ ўрнига йирик уй-жойдан фойдаланиш идоралари (ЖЭК) бўлармиш»

Мамлакатимизда ЖЭКлар давлатга тегишли кўп квартиралар уй-жой фонди хусусийлаштирилгунча амал қилган. Уйларни қандай ва қачон таъмирлашни, уларга жорий хизмат кўрсатишни у ҳал қилган. Хусусийлаштиришдан кейин аҳоли турар жойлар мулкдорига айлانган, умумий мулкни сақлаш учун ХУМШ ташкил этилди. Турар жойлар биз, фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли экан, ЖЭКлар уй-жой соҳасига қайта олмайди. Бунинг учун уй-жой фондини

хусусийлаштиришдан чиқариш зарур, биз квартираларимизни давлатга қайтаришимизга тўғри келади.

3. «Бир уйли ХУМШ бўлмасмиш. Уларни йирик ширкатларга бирлашишга мажбурлашармиш»

ХУМШга бирлашган уйлар сони юзасидан қарор қабул қилиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг хос ҳуқуқидир. Умумий мулк бошқаруви ва сақланишини қандай ҳам-жамиятларда самарали йўлга қўя олишларини уларнинг ўзи ҳал этиши керак. Баъзилар учун бу – бир уйли ширкатлар, бошқалар учун эса – оптимал ва йирик ширкатлар.

4. «Мулкдорлар жамоасининг ХУМШ ташкил этмасдан кўп квартиралар уйни бевосита бошқаришини таққилайдилар»

Кўп квартиралар уй-жой фондини бошқаришда ХУМШ афзал кўрилади. Бироқ юридик шахсни ташкил этмасдан мулкдорлар жамоаси томонидан бевосита бошқариш варианты қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Уй-жой мулкдорлари қайси бири – ХУМШ ёки ширкат ташкил этмасдан бевосита бошқариш маъқуллигини танлашга ҳақлилар.

Мавзуйи сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

5. «Уй-жой хизматлари бозорида ХУМШга хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарувчи компаниялар бўлмасмиш. «Таъмирлаш-тиклаш хизматлари» ДУК тимсолидаги давлат тузилмалари қолармиш»

Уй-жой соҳасидаги давлат сиёсати кўп квартиралли уйлarning техник жиҳатдан сақланишига профессионал ёндашуви таъминлаш, бозор муносабатларини янада ривожлантириш, хизматлар сифатини оширишга қаратилган. Бунинг учун «Таъмирлаш-тиклаш хизматлари» ДУК ташкил этилмоқда, улар жорий ва авариявий хизмат кўрсатиш, кўп квартиралли уйлари таъмирлаш хизматларини тақлиф этадилар. Бошқарувчи компаниялар тимсолидаги тижорат тузилмалари бозорда ишлашда давом этади.

6. «ХУМШда ижрочи директор бўлмасмиш, Ширкатлар ДУКка қарармиш»

Кўп квартиралли уйлари бошқариш, хизмат кўрсатиш, сақлаш усулини танлаш турар жойлар мулкдорларининг ҳуқуқи. Улар шартнома бўйича хизматларни кимга: давлат, хусусий тузилмага буюртириш ёхуд ХУМШнинг кучи билан уйга хизмат кўрсатишда давом этиш юзасидан умумий йиғилишда қарор қабул қиладилар. Ширкатлар тегишли малака ва кўникмаларга эга бўлмаган тасодифий шахсларга эмас, уй-жой фондининг профессионал бошқарувига йўналтирилмоқда. Ахс ҳолда бу хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатида ўзини намоён этади, мажбурий бадаллар самарасиз сарфланишига, белгиланган норма ва қоидаларга амал қилмай бажарилган иш учун масъулият йўқлигига олиб келади. Ширкат муваффақиятли ишласа, штатида уйлари сақлаш ишларини изга сола олган моҳир ижрочи директор бўлса, у бир маромда ишлайверади.

7. «ХУМШда бухгалтерлар бўлмасмиш. Бухгалтерияни «Таъмирлаш-тиклаш хизматлари» ДУКга топширишга мажбурлашармиш»

Уй-жой соҳасидаги ислохот бухгалтерия юритишга профессионал ёндашуви белгиланган. Кўпгина ширкатлар ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметасини тўғри тузиб, мажбурий бадал миқдорини тўғри ҳисоблаб чиқара олмасликлари сабабли самарали ишлаш олмайди. Булар ХУМШ фаолиятига таянч бўладиган бошланғич ҳужжатлардир. Уларнинг барчаси ҳам мажбурий бадаллар бўйича қарздорликни ундириш ишини йўлга сола олмайди, баланс, солиқ ва статистика ҳисоботларини тўғри туза олмайди. Бу хизматларни шартномавий асосда ДУК тақдим этади. Бухгалтерия билан мустақил шугулланиш ёки хизматларни ДУКга буюртиришни танлаш ҳуқуқи ХУМШда қолади. Уму-

мий йиғилишда ширкат аъзолари кўпчилик овоз билан бу ҳақда қарор қабул қиладилар. ХУМШда билимли бухгалтер ишлашда давом этса, ягона биллинг тизими яратилганда маълумотларни биллинг тизимига киритиш учун ДУКга ҳисобот тақдим этишига тўғри келади.

8. «Умумий мулкни сақлаш учун мажбурий бадал миқдорини ХУМШ аъзолари белгиласмишлар. Бу билан УКХ вазирлиги шугулланармиш»

9. «УКХ вазирлиги республикадаги барча уйлар учун битта бадал миқдорини белгилармиш»

10. «Ҳар битта қаватга алоҳида тариф белгиланармиш»

Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан УКХ вазирлигига ҳар йили мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорларини тасдиқлаш вазифаси юкланди. Планка белгиланиб, ундан кам миқдорни белгилаш мумкин бўлмаслиги, ундан юқори белгиланишига эса рухсат берилиши назарда тутилмоқда. Ширкатлар бадалларни ҳисоблашда ушбу минимумни инобатга оладилар. Ҳозирча энг кам тариф

белгиланмаган, ишлаб чиқиш босқинчида турибди – ҳаммаси аввалгидек қолмоқда: ХУМШ даромадлар ва харажатлар сметаси асосида бадал миқдорини ҳисобламоқдалар.

Бадалларнинг энг кам миқдори минтақа, кўп квартиралли уйнинг техник ҳолати, кўп квартиралли уйлари сақлашнинг белгиланган норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қавати, сақлаш ва таъмирлашга реал эҳтиёжга қараб белгиланиши мўлжалланмоқда. Бадал кўп квартиралли уйнинг ҳар битта қавати учун белгиланмайди.

Аксарият ХУМШларда бадаллар миқдори кўп квартиралли уйлarning реал техник ҳолатини инобатга олмаслиги, аслида уларни сақлаш харажатлари шунга қараб ҳисобланиши лозимлиги қонунчиликка ушбу норма киритилишига сабабчи бўлди.

11. «Аҳолининг барча бадаллари Таъмирлаш-тиклаш хизмати ёки Ягона ҳисоблаш маркази счётларига ўтказилармиш»

Уй-жой мулкдорларининг умумий мулкни сақлашга бадаллари ширкатнинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилади. ХУМШ аъзолари умумий йиғилишда бухгалтерия хизматларини ЯХМга ёки техник хизмат кўрсатишни ТТХга буюртириш ҳақида қарор қабул қилсалар, ширкат ушбу тузилмалар билан шартнома тузади, унга асосан хизматлар ҳақи тўланади.

Жавоблар айна пайтда амал қилётган қонун ҳужжатлари асосида тайёрланди.





Бошқалар учун ўрнат

Шаҳар тозаллиги учун масъулият Ахлат йиғиш бизнесини қандай ташкил этиш мумкин

Илгари қаттиқ маиший чиқиндиларни (ҚМЧ) олиб чиқиш хос ҳуқуқи фақат давлат тузилмаларига тегишли эди. Сўнгги йилларда уни хусусий тадбиркорлар фаол ўзлаштирмоқдалар. Фуқароларимиз ивирситишни яхши уддалайдилар, шу сабабли ҚМЧни йиғиш хизматлари – аҳоли ва юридик шахслар орасида барқарор талабга эга бўлган фойдали бизнес. Бу соҳанинг ўзига хос жиҳатлари ва таваккалчиликлари мавжуд.

Бозордаги иккита оператор

Ҳай-жой соҳаси вакилларининг кўпчилиги УКХда хусусий бизнеснинг келгуси тақдирини қизғин муҳокама қилган паллада Олмаликдаги «Сихат Саломатлик Строй» ИЧБТ ХК (бундан кейин – бошқарувчи компания, БК) раҳбари Абдурахим Юсупов ўз ишини

қобат хусусида сўз юритиб бўлмайд. Бироқ вазият ўзгариши тайин. Ҳозир чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш, шаҳар ва туманлар санитария ҳолатини яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. ПҚ-2916-сон қарор билан ушбу йўналишдаги туб чора-тадбирлар белгилаб берилган. Унда бозор муносабатларини янада ривожлантириш, шу жумладан унга хусусий бизнесни фаол жалб этиш ҳам назарда тутилган.

Ўз фаолиятини бошлаш чоғида «Сихат Саломатлик Строй» кўрсатилган хизматлар рўйхатида ҚМЧни олиб чиқиш арзimas улушни ташкил этган бўлса, ҳозир – қарийб 70%. Тадбиркорлар 164 та кўп квартиралар уй аҳолисига хизмат кўрсатадилар. 10 287 та абонент билан шартномалар тузилган. Кўп квартиралар уйларида яшовчи 24 863 та фуқаро хизмат билан қамраб олинган. Жисмоний шахслардан ташқари, абонентлар орасида 83 та юридик шахс мавжуд.

БК ушбу соҳани энди ўзлаштириш бошлаётганда қўл остида 2 та тиркамали трактор, самосвал, автоюкортчи бор эди. Бугун 28 та тургун ахлат йиғиш пункти, 114 та контейнерга эга. Ҳозирча улар хусусий корхонага текин фойдаланиш учун берилган. Бу давлат билан хусусий сектор шерикчилигининг яхши намунасидир, маҳаллий давлат ҳокимияти муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этувчи хусусий бизнес учун шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб қувватламоқда. Дарвоқе, бундай ташаббусларни татбиқ этишга

йўналтирилган давлат билан хусусий секторнинг шерикчилигига доир қонун лойиҳаси 2017 йил июнда ҚХТБТ порталида муҳокама учун эълон қилинган эди.

Махсус техника сотиб олиб, ташиш ҳажмини оширдилар

Хусусий бизнес ишсиз аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиб, иш ўринлари яратмоқда. «Сихат Саломатлик Строй» штатида 25 нафар киши ишлаб, вақтида маош олади. Булар – 10 та назоратчи, 6 та юк ортувчи, 3 та ҳайдовчи, тракторчи, пайвандловчи, механик, бош бухгалтер, ҳисоб-китоб бухгалтери, ижрочи директор.

Бугунги кунда БК яхши комплектиланган моддий-техника базасига эга. ҚМЧни йиғиш бўйича самарали иш туфайли 2014–2015 йилларда республика шаҳарларида санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни махсус техника билан жиҳозлаш дастурига (ВМнинг 3.12.2013 йилдаги 315-сон қарорига 1-илова) киришга муваффақ бўлди. Тадбиркорлар қиймати 312 млн сўмлик 2 та замонавий пресс ўрнатилган ахлат йиғиш машинасини лизингга олиш имконини қўлга киритдилар (уларни йилига 9%лик 5 йилга берилган кредит ёрдамида сотиб олдилар). 2014 йилда битта шундай машина баҳоси 156 млн сўм эди, ҳозир – 487 млн сўм. Махсус техника ташиладиган чиқиндилар ҳажмларини ошириш, рейслар сонини қисқартириш, бензин тежаш имконини берди.



йўлга солиб олди. Бу соҳада гап-сўзга ўрин йўқ. БК «Тоза Худуд» ДУК билан биргаликда шаҳар тозаллиги, ҚМЧ олиб чиқишлиги учун жавоб беради. Илгари бу билан Олмалик санитария тозалаш бошқармаси шуғулланган, бироқ ҳажмларни уддалай олмаган. Ҳозир 2 та – давлат ва хусусий оператор ишга солинган. Янги давлат тузилмаси Президентнинг 21.04.2017 йилдаги ПҚ-2916-сон қарорига мувофиқ ташкил этилиб, ярим йил аввал ишга киришди. Хусусий компания бу соҳада ўз ўрнига эга, 5 йилдан буён ишламоқда.

Бозорда 2 та ҳўжалик юритувчи субъект мавжуд экан, тўлақонли ра-

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Олмаликда жисмоний шахслар учун ҚМЧ олиб чиқиш хизмати қиймати ҳар бир кишидан 2 000 сўмни, юридик шахслар учун эса — 1 м³ учун 32 880 сўмни ташкил этади. Тўловлар йиғилиши даражаси анча юқори — қарийб 95%. Бу билан тўлов терминаллари эга назоратчилар шугулланади. Улар БК ва банк билан уч томонлама шартнома имзолайдилар. Иш ҳақидан ташқари, уларга тўловлар йиғилишидан фоизлар ҳисобланади. Айрим абонентлар иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан ахлат ҳақини тўлашни афзал кўрадилар.

Хусусий тадбиркорлар шаҳар ҳокимлиги, СЭХ ва Давлат экология қўмитаси тасдиқлаган жадвалга кўра чиқиндиларни кунора олиб чиқадилар. «Сихат Саломатлик Строй» «Биллинг» автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимига уланган, бу абонентлар ҳисобини юритиш, тўлов учун счётлар тақдим этиш ишини анча осонлаштиради.

— Истеъмолчилар билан ҚМЧ олиб чиқиш учун шартнома тузилади, — дейди Абдурахим Юсупов. — Бироқ кўпинча контейнерларга қўрилиш ахлати, санитария мақсадида кесилган даракт шохларини ташлайдилар. Машина уларни пресслай олмайди — бузилади, фақат ҚМЧга мўлжалланган. Буларнинг бари, шунингдек уюмларни йиғиштириш — қўшимча хизматлар, БК уларни алоҳида ҳақ эвазига олиб чиқиши мумкин. ХУМШ, маҳалла кўмиталари, хизмат ҳақини тўлашда ўз назоратчиларимиз орқали бунга аҳолига тушунтирамиз.

Битта ахлат йиғиш машинаси кунига қарийб 4 тонна чиқиндини пресслайди. Ойига барча машиналар қарийб 360 тонна чиқиндини олиб чиқади. БК махсус транспорти Оҳангаронда жойлашган ахлатхонага кунига 3–4 марта қатнайди. Бориб келиш масофаси — 34 км. Ҳар бир машинадан ҚМЧ туширилганлик учун полигонда 41 минг сўм тўлаймиз. Ойига қарийб 4 млн сўмга айланади. Давлат тузилмаси бундай харажат қилмайди.

Хусусий бизнес учун таваккалчиликлар

Хусусий бизнесдан фарқли равишда, ПҚ-2916-сон қарор билан «Тоза Ҳудуд» давлат корхоналарига энг қулай режим тақдим этилган. 2022 йилгача улар солиқ имтиёзларига эга, биро ва хоналар, лизинг асосида махсус техника билан таъминланади ва ҳ.к. Ҳокимликлар ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг мулки (махсус транспорт, ускуналар ва бошқалар) уларга берилади. Бундай имтиёзларга эга бўлмаган хусусий тадбиркорларнинг яхши жиҳозланган давлат тузилмалари билан рақобатлашишига тўғри келади.

Республикада кўп квартирали фондга хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК ташкил этилмоқда. Давлат тузилмалари ҳам кенг, шу жумладан солиқ имтиёзларига, кредит олиш имкониятига эга. Тўғри, бозорнинг ўз қонунлари бор. Бироқ тадбиркорларга худди шундай шарт-шароитларнинг тақдим этилиши рақобат ривожланишига замин яратади, хизматлар истеъмолчиларининг кўп сонли тақдирлар орасидан танлаш ҳуқуқини таъминлайди, умуман бозордаги вазиятни яхшилади.

Хизматлар рўйхатида яна нималар бор?

Абдурахим Юсупов УКХ соҳасида 10 йилдан ортиқ ишлаб келаётган тажрибали мутахассис. Доим ўзгаришлар ва янгиланган тез қабул қилган, ислохотлардан ортда қолмаган. Кўп квартирали уйлари бошқариш илмини ўрганаётган ёшлар ундан ўрнак олсалар арзийди! 2000 йилда у Олмаликда 3 та уйни бирлаштирган дастлабки ХУМШни очган. Олмалиқ ХУМШ уюшмаси раиси бўлган. Биринчилардан бўлиб уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи хусусий корхона ташкил этган. Ҳозир «Сихат Саломатлик Строй»дан ташқари 9 уйли (454 та квартирали) «Уй Жой Хизмати» ширкатига бошчилик қилади. Ўзбекистон уй-жой фондиди профессионал бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси муассиси ҳисобланади.

Шаҳар тозалиги хусусидаги ташвишлардан ташқари, «Сихат Саломатлик Строй» том, йўлаклар, фасадларни таъмирлаш, муҳандислик коммуникацияларини алмаштиришга ихтисослашган. Бу ишларни бажаришга мутахассислар вақтинчалик шартномалар бўйича жалб этилади. Шаҳарда 36 та ХУМШ, 3 та бошқарувчи компания фаолият юритади. Ширкат-

лар асосан кўп уйлари бирлаштирадilar, шу сабабли ўз кучлари билан хизмат кўрсатишни афзал кўрадилар. Хусусий корхонага капитал ва жорий таъмирлаш доирасидаги ишларни буюртирадилар. Ҳозир республикадаги аксарият ширкатлар кредит тўламоқда, бу эса БК хизматларига талаб камайишига олиб келмоқда. Бироқ бу вақтинчалик ҳолат.

— Янги йилни катта умид ва режалар билан кутиб олдик, — дейди Абдурахим Юсупов. — Шахримизни янада озода, уйлари эса янада шинам қилишга ҳаракат қиламиз. Ўтган йилда ахлатни ажратиб тўплашни бошлаганимиз. Бу соҳа катта истиқболга эга, ушбу йўналишда ҳаракатланишда давом этамиз. Ҳозир шаҳарда кўп квартирали уйлarga хизмат кўрсатувчи авария-диспетчерлик хизматини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Биз уй-жой соҳасида иш тажрибасига, мутахассисларга, моддий-техника базасига эгамиз ва уни ташкил этишда ёрдам кўрсата оламиз. Ҳозир УКХ ривожланишининг янги босқичига ўтмоқда. Ислохот кўп квартирали уйлари бошқариш ва сақлашда туб ўзгаришларни назарда тутди. Яъни аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида катта ишларни бажаришга тўғри келади.



Ниқобларни ечамиз

Манманлик намоиши ёки ким аслида ким

Бир неча йил аввал уй-жой соҳасида «округ бошлиғи» номли янгилик, у билан бирга эса бутун бошли шажара – «округ бошлиғи ёрдамчиси», «округ бошлиғи ўринбосари» юзага келди. Уларнинг айримларига округ бошлиғи кийими тез орада сиймай қолиб, ўзларини «кичик ҳокимлар» деб атай бошлайдилар. Айтишларича, улар маҳаллий давлат ҳокимияти органи номидан иш тутар, ХУМШ ишига кўмаклашиш топшириғини олган эмишлар. Бироқ амалиётда – ижтимоий тармоқлардаги гапларга қараганда, аслида бунинг акси бўлиб чиқмоқда. Округ кураторлари «ҳокимликларнинг кўрсатмаларини» пеш қилиб, ширкатлар ишига аралашадилар, уларга босим ўтказадилар, кредитлар билан «пресслайдилар», қатъий маъмуриятчиликни қўллайдилар, қонунчиликни бузадилар. Бу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари нуфузини туширади, ўзини ўзи бошқариш ва хусусий мулк ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат сиёсатини бузиб кўрсатади. Тўғри, ширкатларга ҳақиқатан ёрдам бераётган округ бошлиқлари бор. Улар янада кўпайишини истардик.

«Округ бошлиқлари» ўзи ким ва қаердан пайдо бўлди? Худудий жиҳатдан туманлар округларга бўлинган. Кўп квартиралар уйлар ва туташ худудларни сақлашда ёрдам қилган мақсадида ҳар бир округга ҳар хил тузилмалар раҳбарлари «кураторлик қиладилар». Уларнинг ўз иши етарли, тешиқ қувурлар, ифлос йўлаклар, тозаланмаган худудлар масалалари билан шуғулланишга вақтлари йўқ. Кўпинча улар доим округ худудида бўлиб, ширкатлар билан ҳамкорлик қилувчи «югур-дақларни» тайинлайдилар. Бироқ тайинланганлар бир зумда ўзгариб қоладилар. Ўзларини худуд хўжайинидек тутадилар. Кўпинча бу соҳада билимсизликлари ва ҳуқуқий жиҳатдан саводсизликлари, ХУМШ муаммоларини тушунишни истамасликлари сабабли «салланнинг ўрнига каллани олиб келадилар». Кўпинча округ «хўжайинлиги» ўзларини ҳокимлар ва ҳоким ўринбосарлари ёрдамчиларидек кўрсатадилар. Аслида улар ким?

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (ВМнинг 19.06.2015 йилдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган) «округ раҳбари», «округ раҳбари ёрдамчиси» ва «мини-ҳоким» лавозими мавжуд эмас. Бундай лавозимлар йўқ экан, қонуний лавозим ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам йўқ. Бундай шахс ҳеч қандай маъмурий ҳуқуқ ва лавозим ваколатларига эга эмас. Унинг ХУМШ ишларига аралашishi қонунга зид.

Энди ўзини «ҳоким ёрдамчиси» ёки «ҳоким ўринбосари»

нинг ёрдамчиси» деб ҳисоблашга келсак. Президентнинг «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (22.12.2016 йилдаги ЛҚ-2691-сон) билан Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси (2г-ипова) назарда тутилган.

Унга мувофиқ, Тошкент шаҳри ҳокимида фақат битта ёрдамчи бўлиши мумкин. Туман ҳокимининг саноатни

ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарида ёрдамчилар назарда тутилмаган – фақат битта бош мутахассис. Демак, «округ бошлиқлари» фаолияти ўзини аллақандай деб кўрсатмоқчи бўлган шахснинг уринишидан бошқа нарсасиз. Бошқача айтганда, манманлик намоишидими?

«Округ бошлиғи» лавозими норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган. Ҳоким жойлардаги ҳолатни ўрганиш, вазиятни аниқлаш, қонун ҳуж-

жатларига мувофиқ ёзма шаклда чиқарилган ўз қарорларини ижро этиш учун қайсидир участкаларга ҳокимликнинг айрим ходимларини йўллаши мумкин. Фақат шундай қарорлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Бунда жойга юборилган ходим айна қандай ёзма қарорнинг қайси банди ижро этилишини талаб қиладиганини маълум қилиши керак.

Бироқ амалда қонун ҳужжатларига зид иш қилинмоқда, сабаби «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги

копия: Хокимият тумани Тошкент
Юридик № 402-сон, от 22.08.2016

На Ваш законное поступление в единый портал интерактивных государственных услуг зарегистрированный под № 03-09/1523 от 29.08.2016г. в Хокимияте Мирно Улутбековского района, от гражданина Черныкова М.В. проклянутого по вышеуказанному адресу, по вопросу принадлежности к управлению руководителем округа, на что, сообщаем следующие:

По вопросу: на основании какого нормативно-правового документа возложена должность руководителем округа, в структуре какого гос.органа входит данная должность, какие на него возложены полномочия, а также права и обязанности руководителя округа - на что сообщаем, что руководителем округа это общественная нагрузка на сотрудников из числа подведомственных структур Хокимията района, которая закреплена нормативно правовыми документами.

В обязанности руководителей округов входит содействовать улучшению мероприятий по подготовке к осенне-зимнему периоду с представителями местной власти на местах мажоритским комитетом, и ТУСЖ.

Первый заместитель копия
Мирно Улутбековского района

Д.И.Атаев

Қонуннинг 4-моддасида белгиланишича, давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташиклоти фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу борада қандай фикрдалар? Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳоким ўринбосарининг ушбу мавзудаги хатидан кўчирмани эътиборингизга ҳавола этамиз. Уни бизга Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаш керак» гуруҳи маъмури Максим Черников тақдим этди. У ЯИДХПга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилган: қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида «округ бошлиғи» лавозими жорий этилган ва у қайси давлат органи тузилмасига қиради; «округ бошлиғи» қандай ваколатларга эга?

Ҳоким ўринбосарининг жавобига кўра «округ бошлиғи» — туман ҳокимликларига қарашли тузилмалар ходимлари зиммасига юклатилган, норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланмаган жамоатчилик топшириғи. Маҳалла кўмиталари ва ХУМШ вакиллари билан қўз-қич даврига тайёргарлик кўриш тадбирларини яхшилашда кўмаклашиш «округ бошлиқлари» мажбуриятига қиради.

Шундай экан, «округ бошлиғи» — қандайдир маъмурий-фармоийш бериш ваколатларига эга мансабдор шахс эмас, жамоатчилик топшириғи экан. Булар эса бошқа-бошқа тушунчалар. У жамоатчилик топшириғи чегарасидан чиқса, бу бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш ҳисобланади, бунинг учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган.



Тажриба алмашиш

«Pro House» уй-жойларни самарали бошқаришда ёрдам беради

«Ўзбекистонда уй-жой фондини профессионал бошқариш» — «Pro House» лойиҳаси доирасида Тошкентда бўлиб ўтган семинар мавзуси ана шундай номланди. Уни Евроиттифоқ молиявий кўмағида «Шарқий Европада уй-жой хўжалиғи» (IWO, Берлин) ташаббуси амалга оширади. Германия бошқарувчи компаниялари ер ассоциациялари иттифоқи (DDIV), бизнинг тарафдан — Ўзбекистон уй-жой фондини профессионал бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси лойиҳа ҳамкорлари сифатида чиқдилар.

Республикада УҚХ соҳасида ислохотлар ўтказилаётганда лойиҳа мақсади унинг устувор вазифаларига монанд келади, улар сирасида уй-жой соҳасини бошқариш ва сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳам бор. Хусусан, у уй-жой секторида профессионал бошқарувчи компаниялар имкониятларини кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш, кўп квартираларни уйларни сақлаш хизматлари бозори, рақобат муҳитини ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган.



Семинар ишида уй-жой фондини профессионал бошқариш гоёлари ва тажрибасини илгари сурувчи немис мутахассислари, Ўзбекистон Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги вакиллари, республиканинг қатор минтақаларидаги БК раҳбарлари, Уюшма аъзолари иштирок этдилар.

«Pro House» уй-жой коммунал хизматлар бозорида ишловчи бизнинг БКларга нималарни таклиф этиши мумкин? Аввало энг қимматлиси — тажрибани. Европа мамлакатлари, хусусан, Германиядаги яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни бошқариш тажрибасини. IWO лойиҳа координатори сифатида уй-жойлар профессионал бошқарилишини яхшилаш истагидаги ҳамкорларни бирлаштирувчи ваколатли эксперт, ўзига хос платформа ҳисобланади.

Семинар пайтида Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ Иттифоқ мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистондаги кўп квартираларни уй-жойларнинг кўпчилиги қурилиш ва бошқарув соҳасидаги ислохотларга профессионал ёндашувга муҳтожлиги қайд этилди. Бунда куллайлиқни ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш учун кўчмас мулкни таъмирлаш, санация қилиш, модернизациялаш, бошқариш ҳақида сўз бормоқда. Бунинг учун ахборот алмашиш, барча манфаатдор иштирокчилар: уй-жой мулкдорлари, кўчмас мулкни бошқарувчи сервис компаниялари, хизматларни етказиб берувчилар, давлат маъмуриятлари, молиявий тузилмалар, ОАВ ва бошқаларни бирлаштириш — яъни ҳамкорлик қилиш учун тармок яратиш талаб этилади.

2001 йилдан бошлаб IWO барча тарафлар учун ана шундай муҳим ҳамкорга айланди. Бугун ушбу нодавлат ташиклоти уй-жой соҳасида ислохотларни амалга оширишда

кўмаклашиш учун мамлакатлар, минтақалар, профессионал гуруҳлар ўртасида алоқалар ўрнатмоқда. Бунга маслаҳат бериш, профессионал ўқитиш, ҳамкорлик тармоғини ривожлантириш, иттифоклар ва уюшмалар тузиш, энергия тежамкор лойиҳаларни жорий этиш ташаббуси билан чиқиш ва амалга ошириш орқали эришилмоқда. Тармоқнинг ҳар бир иштирокчиси асосий вазифани ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади. Пировардида яқка ҳолда қўриладиган чоралардан кўра қимматлироқ натижага эришилади.

Тошкентдаги семинарда немис экспертлари маҳаллий БКлар сингари йўлни босиб ўтганликларини, худди шу муаммоларга тўқнаш келганликларини қайд этдилар. Биздаги бошқарувчи компанияларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар моҳиятан олганда уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи тузилмалар ҳисобланади. Германия ва Европада кўчмас мулк бошқарувчилари фақат бошқарув вазифаларини бажарадилар ҳамда ширкатлар ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар ўртасида востачи ҳисобланадилар.

Ўзбекистон уй-жой фондини профессионал бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси лойиҳа доирасида БК фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатларини, уларни ижро этиш амалиётини таҳлил қилди. Ушбу тузилмаларни ташкил этишда қўйиладиган талаблар: уй-жой коммунал хизматлар бозорининг аҳоли ва унинг салоҳияти; БКни ривожлантириш учун давлат органлари қўллаётган рағбат чоралари; бошқарувчи компаниялар самарадорлигини оширишда Уюшманинг роли ва бошқалар эътибор марказида



бўлди. Таҳлил натижаларига кўра яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулкни бошқариш ишлари яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқиш кўзланмоқда.

Лойиҳа мақсадларига эришиш учун дастлабки орасида — семинарлар, конференциялар ўтказиш, давра суҳбатида масалаларни муҳокама қилиш, тренинглар, сўровлар уюштириш, БКнинг ижобий таърибларини тарқатиш ва ҳ.к. бор.

Мамлакатда уй-жой соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири кўп квартиралли уйлари бошқариш ва сақлашга профессионал ёндашуви кучайтириш саналади. Мамлакатимизда 350 дан ортиқ хусусий бошқарувчи компаниялар фаолият юритади. Республиканинг барча минтақаларида «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК ташкил этилмоқда. Кўп квартиралли уй-жой фонди 33 300 бирликдан ортиқ. Республикада 4 мингдан ортиқ ХУМШ мавжуд.

«Электрон поликлиника» тизими жорий этилди

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш, соҳа ходимлари малакасини ошириш, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган илчил ислохотлар самарасида ўтган асрнинг ўрталарида қурилган икки қаватли кўрimsиз бинода фаолият олиб бораётган Наманган шаҳридаги 4-оилавий поликлиникага тўрт қаватли бошқа бино ажратилиб, у ерда 2 миллиард 400 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида клиник диагностика хоналари, лаборатория, ЭКГ, УЗИ, марказий стерилизация, физиотерапия бўлимлари, рўйхат-

хона, умумий амалиёт шифокорлари учун санитария меъёрлари талабига жавоб берадиган замонавий хоналар, 20 ўринли кундузги шифохона, ходимлар учун алоҳида хоналар ташкил этилди. Замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари асосида «Электрон поликлиника» тизими жорий этилди.

— Шаҳарнинг 14 маҳалласида истиқомат қилаётган 55 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган поликлиникада яратилган шарoитни илгари

тасаввур ҳам қила олмадик, — дейди шифокор Манзура Тўйчиева. — Эски бинода ҳар йили қанча маблағ сарфлаб қилинадиган жорий таъмирлар билан кунига атиги 150 нафарга яқин беморга тиббий хизмат кўрсатилар эди. Энди қатновлар сонини икки баробар ошириш мумкин. Бу ерда ишлайдиган 20 умумий амалиёт шифокори, 54 патронаж ҳамшираси ва бошқа мутахассислар ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши учун барча шарoит яратилди.

ЎЗА.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (20.12.2017 йилдаги 1001-сон) билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинчалик прописка қилиш тартиби соддалаштирилди.

Пойтахтга қариндошлар билан

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомда (ВМнинг 16.02.2017 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова) пойтахт ва пойтахт вилоятига келадиган яқин қариндошлар ва уларнинг оила аъзоларини турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби ўзгартирилди.

Нотариал тасдиқланган турар жой ижараси ёки улардан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномасиз қуйидагиларни вақтинчалик прописка қилишга рухсат берилди:

1) квартира ёки уй эгасининг (эгаларининг) нафақат яқин қариндошлари-

ни, балки мазкур турар жойда доимий яшайдиган ҳар қандай шахснинг яқин қариндошларини ҳам;

2) нафақат энг яқин қариндошини, балки унинг оила аъзоларини – эри, хотини, шунингдек болаларини, фарзандликка олинган болаларини ҳам. Бунда вақтинчалик прописка қилинадиган шахснинг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари) ўз болаларига эга бўлмаслиги керак.

Бунинг учун хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига фуқаронинг қариндошлик даражаси ёки оила аъзолигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади.

Маълумот учун: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги қонунчиликда 3 атама қўлланилади: «Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар», «яқин қариндошлар» ва «оила аъзолари». Уларни фарқлаш зарур.

Яқин қариндошлар рўйхати етарли даражада кенгдир. Унга қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари киради (ЖК Махсус қисмининг 8-бўлими).

Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларга бобо ва бувилар, ота-оналар, неваралар киради (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 5-банди).

Оила аъзолари бўлиб эса эр, хотин, уларнинг болалари ҳисобланади, ўз навбатида уларнинг болалари ўз болаларига эга бўлмайди.

Бошқа шаҳарлик турмуш ўртоғи учун маълумотнома керак эмас

Тошкент шаҳрида эри (хотини)ни прописка қилиш – маҳалла ва профилактика инспекторининг маълумотномасисиз

Ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла) ва профилактика инспекторининг (участка инспектори) биргаликдаги болалари бўлмаган эр-хотиннинг камида 1 йил биргаликда яшаганлиги тўғрисидаги маълумотномаси бекор қилинди. Илгари мазкур маълумот-

нома бошқа шаҳарлик эр (хотин) томонидан пойтахт ва пойтахт вилоятида доимий прописка олиш учун хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига топширилаётган ҳужжатлар пакетига кирган.

Маълумот учун: никоҳда камида 1 йил биргаликда яшаш тўғрисидаги талабнинг ўзи кучда қолди. Бу аввалгидек Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхатининг 5-бандида (14.09.2011 йилдаги УРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) назарда тутилган.

Эндиликда камида 1 йил биргаликда яшаганлик факти фақат никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва паспорт маълумотлари асосида белгиланади. Бундан ташқари, тақдим этиладиган

ҳужжатлардан энди нотариал тасдиқланган нусхалар қилиш зарур эмас. Прописка олгандан кейин 1 йил мобайнида никоҳ бекор қилинган тақдирда у бекор қилинади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 23.12.2017 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Мен Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман. 7 йил аввал хорижга чиқиш учун грин-карта олганман, ўша пайтдан буён АҚШда яшайман. Яқинда Америка фуқаролигини олдим, бироқ Ўзбекистон фуқаролигидан чиқмаганман. Бу ЎзР қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланадими? Агар қонунбузарлик деб ҳисобланмаса, мен Ўзбекистонга келишим мумкинми?

М.К.

Талаблар бажарилганда

– АҚШ фуқаролиги ва паспортни олиб, Ўзбекистонга келишингиз мумкин. Бироқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажармаган бўлсангиз, кириш учун рухсатнома олишингиз мушкул бўлади.

Агар чет элда доимий яшовчи шахс 3 йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»-ги Қонуннинг 21-моддаси).

Мурожаатингиздан кўринганидек, чет элда 7 йил яшаб, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасаларига мурожаат қилмагансиз. Бинобарин, сиз Қонуннинг 21-моддаси таъсири остига тушасиз.

Шу сабабли Ўзбекистонга муаммоларсиз кирмоқчи бўлсангиз, яшаб турган чет эл мамлакатидagi Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига мурожаат қилиб, ўзингиз ҳақингизда маълум қилишингиз зарур. Шу жумладан нима сабабдан консуллик ҳисобига турмаганлигингиз ва шу пайтда чет эл давлати фуқаролигини олганингизни кўрсатишингиз, шунингдек мазкур далилни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим.

Агар чет элда доимий яшовчи шахс 3 йил мобай-

нида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса, консуллик муассасалари материалларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади. ИИВ ўз хулосаси билан иш материалларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга йўллайди. Комиссия тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва республика Президенти қарор қабул қилиши учун таклиф киритади (20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармон билан тасдиқланган Низомнинг IV бўлими 1-банди «б» кичик банди).

Президентнинг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади. Фуқаролик масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш мuddати 1 йилни ташкил этади (Қонуннинг 40-моддаси). Президентнинг Фармони чиққандан кейин сиз қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинаси.

Хабарномани олгач, энди чет давлат фуқароси сифатида Ўзбекистонга киришга рухсатнома олиш учун консуллик муассасасига мурожаат қилишингиз мумкин бўлади.



Онага хос эмас

Дўстим онасига тегишли квартирада яшайди ва ўша ерда пропискадан ўтган. Онаси яқин орада квартирани сотиб кетмоқчи. Дўстимнинг эса бундай нияти йўқ, бироқ онаси уни пропискадан чиқариб юбориши ва у пропискасиз қолишини айтиб, пўписа қияпти. Агар дўстим сотишга розилик бермаса, онаси уни пропискадан чиқариб, квартирани сота оладими? Унинг прописка қилинадиган жойи ҳам, биронта бошпанаси ҳам йўқ, фақат икковлон прописка қилинганлар.

Исмоил К. Тошкент ш.

– Дўстингизнинг ёзма розилигисиз онаси уни пропискадан чиқара олмайди. Агар у қандайдир йўл билан уни пропискадан чиқариб юборса, бундай чиқариш ноқонуний ҳисобланади ва дўстингиз яшаш жойидаги КЧФРБга бунинг устидан шикоят қилиши мумкин бўлади.

Шуни қайд этиш зарурки, КЧФРБда ҳам дўстингиз шахсан ҳозир бўлмаса, унинг пропискадан чиқарилишини расмийлаштирмайдилар. Фақат турар жой майдонида бўлган ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорига кўра, шахс бедарак йўқолган деб топилганда, нотариал тасдиқланган ишончнома бўйича, ички ишлар органларининг сўровига биноан, прокурорнинг маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги санкцияси билан фуқароларнинг пропискадан чиқарилиши ҳоллари бундан мустасно бўлиши мумкин (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Санжар Ҳўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Кадрларга оид ҳужжатлар:

Кадрлар ишини юритишда ходимлар меҳнат фаолиятининг ҳужжатлаштирилиши мажбурий бўлиб, кўп сонли ҳужжатларни талаб қилади. Уларни тузиш ва расмийлаштириш қоидалари анча мураккаб. Ушбу ҳужжатлар мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари тартибга солинишини таъминлайди. Кадрларга оид ҳужжатларни юритишга қўйиладиган талаблар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Кадрларга оид ҳужжатларнинг турлари меҳнат соҳасидаги ўзгарувчи қонуности ҳужжатларга боғлиқ. Ушбу ҳужжатлар рўйхати анчагина катта. Бироқ кадрлар билан ишловчи ҳар бир ходим уларни қандай тузиш ва амалиётда қўллаш кераклигини билмоғи ва англамоғи даркор.

Мажбурий ҳужжатлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотлар юритиши керак бўлган кадрларга оид ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- штат жадвали (МКнинг 72-моддаси 1-қисми);
- ички меҳнат тартиби қоидалари (МКнинг 174-моддаси);
- меҳнат шартномаси (контракти) (МКнинг 72-моддаси);
- тўлиқ моддий ёки жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномалар (МКнинг 203-моддаси);
- ходимнинг шахсий варақаси (Т-2 шакли) (АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқномага 4-илова);
- лавозим йўриқномалари (агар меҳнат шартномаларида барча лавозим мажбуриятлари қайд этилмаган бўлса) (МКнинг 176-моддаси);
- шахсий таркиб бўйича буйруқлар (фармойишлар): ишга қабул қилиш тўғрисида (МКнинг 82-моддаси); бошқа ишга ўтказиш тўғрисида (МКнинг 92-моддаси); таътил бериш, уни узайтириш, бошқа муддатга кўчириш ва ундан чақириб олиш тўғрисида (МКнинг 133, 145, 147-моддалари);
- интизомий жазони қўллаш ва олиб ташлаш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар) (МКнинг 181–183-моддалари);
- ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар) (МКнинг 180-моддаси);
- ўриндошлик асосида ишлаш ва бир неча касбда (лавозимда) ишлаш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар) (МКнинг 160-моддаси);
- меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар (фармойишлар) (МКнинг 97-моддаси);
- шахсий таркиб бўйича буйруқларни рўйхатдан ўтказиш журнали.

Шахсий таркиб бўйича барча буйруқларни кадрлар хизмати, у мавжуд бўлмаганда эса – ушбу ҳужжатлар билан ишлаш учун жавоб берадиган ходим тайёрлайди.

Ташкилот раҳбарининг топшириғига кўра бўлинмалар раҳбарлари мутахассисларни жалб этган ҳолда асосий фаолият бўйича қуйидаги буйруқларни тайёрлайди:

- раҳбарлик лавозимига қабул қилиш тўғрисидаги (МКнинг 82-моддаси 2-қисми);
 - штат жадвалини амалга жорий этиш тўғрисидаги;
 - меҳнат дафтарчаларини юритиш, сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва бериш учун масъул ходимни тайинлаш тўғрисидаги (402-сон Ўйриқноманинг 1.6, 3.1, 6.1, 6.2-бандлари);
 - хизмат сафарлари тўғрисидаги (МКнинг 166-моддаси);
 - муайян қарорлар қабул қилинишига асос бўладиган бошқа буйруқлар;
 - бинода ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахсни тайинлаш тўғрисидаги ва ҳ.к.
- Бундан ташқари, ҳар бир иш берувчида қуйидагилар бўлиши шарт:
- асосий фаолият бўйича буйруқларни рўйхатдан ўтказиш журнали;
 - меҳнат шартномаларини (контрактларини), хизмат сафари гувоҳномаларини рўйхатдан ўтказиш журналлари;
 - меҳнат дафтарчаларини қабул қилиб олиш ва сарф қилиш китоблари (бухгалтерия томонидан юритилади) (402-сон Ўйриқномага 1, 2-иловалар);
 - меҳнат дафтарчалари ҳисобини олиб бориш китоби (402-сон Ўйриқномага 3-илова);
 - таътиллار жадваллари (МКнинг 144-моддаси);
 - тушунтириш хатлари ва ёзма докладлар, аризалар ва буйруқларни чиқариш учун бошқа асослар;
 - меҳнат дафтарчалари (МКнинг 81-моддаси);
 - иш вақтини ҳисобга олиш табели (МКнинг 125-моддаси);
 - ишга қабул қилиш пайтида талаб қилинадиган ҳужжатлар (МКнинг 80-моддаси);
 - жамоа шартномаси (МКнинг 29-моддаси);
 - аттестация ўтказиш тўғрисидаги низоом ва тегишли ҳужжатлар (корхонада аттестация ўтказиладиган ҳолларда);
 - меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низоом (МКнинг 153-моддаси);
 - тижорат сири тўғрисидаги низоом (МКнинг 32, 202-моддалари);
 - смена жадвали (сменали иш мавжуд бўлганда) (МКнинг 120-моддаси);
 - бўлимлар тўғрисида низоом.

Бу ҳар бир корхона учун зарур бўлган кадрларга оид ҳужжатларнинг намунаси рўйхати. Уларнинг асосийларини тавсифлаб ўтамиз.

Ички меҳнат тартиби қоидалари

Ҳар бир корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Улар иш берувчининг буйруғи билан ходимларнинг вакиллик органи фикрини инобатга олган ҳолда тасдиқланади (МКнинг 174-моддаси).

Бу корхонанинг локал норматив ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби, меҳнат шартномаси тарафларининг асосий ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, иш режими, дам олиш вақти, ходимларга нисбатан қўлландиган рағбатлантириш ва жазолаш чоралари, шунингдек корхонадаги меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг бошқа масалаларини белгилайди.



Штат жадвали

Штат жадвали тузилиши ва тасдиқланиши ташкилот учун ходимларни танлаб олиш имконини беради. Ушбу ҳужжат билан штатдаги ходимлар сони, шунингдек лавозимлар ва касблар рўйхати (ташкilotнинг фаолият йўналишига қараб белгиланади), лавозим маошлари, устамалар белгиланиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди шакллантирилади. У корхона мулк эгаси, у вакил қилган орган ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органнинг буйруғи (қарори) билан тасдиқланади.

Штат жадвалини ишлаб чиқиш, ишга қабул қилиш пайтида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (ВМнинг 4.10.2017 йилдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган) талабларига қатъий амал қилиш зарур.

Классификатор:

➤ хизматчилар лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланиш юзасидан – ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни қайд этишда, меҳнат шартномалари тузишда, буйруқларни расмийлаштиришда, хизматчиларнинг лавозимларини ходимлар тоифаларига киритишда мажбурий ҳисобланади;

➤ ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича маълака разрядларини белгилаш юзасидан – давлат корхоналари, давлат муассасалари ва устав капиталида давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган бошқа давлат ташкилотларида қўлланилиши мажбурий ҳисобланади, бошқа ташкилотлар учун эса – тавсия хусусиятига эга;

➤ таълим йўналиши юзасидан – барча ташкилотлар учун тавсия хусусиятига эга.

Меҳнат шартномаси (контракти)

У ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда ходим ва иш берувчи томонидан имзоланади. Меҳнат шартномасининг мазмунини МКнинг 73-моддасига мувофиқ белгиланади. Меҳнат шартномасида мажбурий шартлар сифатида амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланган меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шартлари кўрсатилади (МКнинг VI боби). Улар фақат тарафларнинг келишувига кўра ва ёзма шаклда ўзгартирилиши мумкин (МКнинг 88-моддаси).

Ходимнинг меҳнат дафтарчаси

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Ходим ишга қабул қилинаётганда уни тақдим этиши шарт. Иш берув-

Реклама

ORMA

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Тақдирмаржон куч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

турлари ва расмийлаштирилиши

чи эса корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно (*МКнинг 81-моддаси*). МК ва 402-сон Йўриқномага мувофиқ, меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлаш учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Ўзбекистонда «Электрон меҳнат дафтари» тизими жорий этилмоқда (*24.05.2017 йилдаги ПФ-5052-сон Фармон*). Қуйидагиларнинг меҳнат стажлари электрон ҳисобга олишга босқичма-босқич ўтказилади:

1.01.2018 йилдан бошлаб – яқка тартибдаги тadbиркорлар, деҳқон хўжаликлари аъзолари, қорамол ўстириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган шахслар, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бошқа субъектлар;

1.01.2019 йилдан бошлаб – қолган ташкилотлар (*ВМнинг 4.07.2017 йилдаги 462-сон қарори*).

Шу муносабат билан биринчи маротаба ишга қиратган ходимларга 1.01.2019 йилдан бошлаб қоғоз кўринишидаги меҳнат дафтарчаларини бериш тўхтатилади.

Таътиллار жадвали

Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Ҳар бир иш берувчи таътиллари жадвалини тузиши шарт.



Ҳар бир ходим эса таътил бериш вақти ҳақида у бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак.

Бироқ шундай тоифадаги ходимлар борки, таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзи ёки улар учун қўлай бўлган бошқа вақтда берилиши керак. Уларга қуйидагилар қиради:

- 14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз она (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналар) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари;

- I ва II гуруҳ ногиронлари;

- 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар;

- 18 ёшга тўлмаган шахслар;

- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар (*МКнинг 250-моддаси*).

Жамоа шартномаси, келишувда таътиллари беришнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлиги ва туғиш таътили даврида берилади. Ўриндошлик асосида ишлаётганларга эса таътил асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда берилади.

Таътиллари жадвалини тузаётганда буларнинг барини инобатга олиш зарур. Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин (*МКнинг 144-моддаси*).



Иш вақтини ҳисобга олиш табеллари

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт (*МКнинг 125-моддаси*).

Иш вақтини ҳисобга олиш табелларида ҳар бир ходимнинг бир ойдаги иш вақти қайд этилади, мослашувчан иш графикада эса иш вақтининг жамлама ҳисоби юритилади. Иш вақтини ҳисобга олиш табелида одатда ҳар бир ходимнинг табель рақами, унинг Ф.И.О., ойнинг ҳар бир санасидаги иш вақти тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлади. Уни табелчи ёки раҳбар буйруғи билан тайинланган табель учун масъул шахс юритади, у кадрларни назорат қилиш ва корхона бухгалтериясида меҳнат ҳақини ҳисоблаш учун хизмат қилади.

Амалиётнинг кўрсатишича, ташкилотда кадрларга оид ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги муайян хатарлар билан боғлиқ бўлади. Корхонада меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш натижаларига кўра қонунбузарликлар аниқланган бўлса, назорат органлари иш берувчига ҳам, унинг мансабдор шахсларига ҳам маъмурий жарима солиши (*МЖТКнинг 49-моддаси*), шунингдек йўл қўйилган қонунбузарликлар бартараф этилиши тўғрисида ижро учун мажбурий кўрсатма бериши мумкин.

Бунда Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ушбу вазифани бажариш учун кенг ҳуқуқлар ва катта имкониятларни қўлга киритганини ёддан чиқармаслик лозим. Таъсир чоралари билан бир қаторда у зарур ҳолларда ҳуқуқий мажбурият чораларини қўллашга ҳам ҳақли.

Ходим ва иш берувчининг муносабатларини аниқ тартибга солувчи зарур ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги ходимлар билан низола юзага келишига замин яратади. Оқибатда бу Прокуратура, Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ёки судга шикоят қилиш учун асос бўлади.

Абдусалом Рискўллаев, «Norma» МЧЖ етакчи эксперти.

Эълонлар

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғирлар учун кодлар: уқли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафталик 5 кун давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тузилки вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИ – ОНЛАЙНДА

Хурматли ўқувчилар!

Текширишлар тўғрисидаги ахборотни тахририятимиз босма тарзда чоп этаётганини эслатиб ўтамыз. Текширишлар режа-жадвалини газеталаримизда жойлаштиришдан воз кечар эканмиз, бу саҳифалар майдонини бошқа долзарб материалларга бағишлашга қарор қилдик.

Лексин сиз **norma.uz** сайтимизга кириб, назорат қилувчи органлар реестри ва 2018 йилда фаолияти текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига ҳали ҳам эгасиз. 2018 йил учун тadbиркорлик субъектларини текширишлар режа-жадвали ДСҚнинг **soliq.uz** расмий сайтида ҳам эркин фойдаланиш тарзида жойлаштирилган.

Бироқ қонунчиликка мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига Текширувларнинг режа-жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилганлигини унутмаслик керак. Шунинг учун **norma.uz** сайтига ҳар ойда кўз ташлаб туришни тавсия этамыз.

Тахририят.

Ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш: талабми ёки тавсия?

Савдо корхонаси (МЧЖ) ўз товарини харидорга ўз машинасида етказиб беради. Корхонада икки киши – директор ва ҳайдовчи ишлайди. Йўл варақасини расмийлаштиришда диспетчер, шифокор ва механикнинг имзолари бўлиши зарур.

1. Диспетчер ва механик вазифаларини корхона директори зиммасига юклаш мумкинми?
2. Тижорат асосида юлларни ташиш хизматларини кўрсатмайдиган корхонада ҳайдовчини тиббий кўрикдан ўтказиш мажбурийми?

Е.Чернова, бош бухгалтер.

1 Ҳа, диспетчер ва механик вазифаларини директор зиммасига юклаш мумкин.

Сизнинг ҳолатда бу бир неча лавозимда ишлаш ҳисобланади. Ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айти шу тақдирда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида бошқа касб ва лавозимдаги қўшимча ишни бажариш бир неча касбда ва лавозимда ишлаш ҳисобланади (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-банди). Шунингдек этиш лозимки, бир неча касбда ва лавозимда ишлашга шундай касб ва лавозим бўйича бўш иш ўрни мавжуд бўлганда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходим томонидан вақтинчалик йўқ бўлган ходимнинг вазифаларини бажаришда йўл қўйилади. Ходим қўшимча ишни бажармайдиган муддат, унинг мазмуни ва ҳажми иш берувчи томонидан, ходимнинг ёзма розилиги бўйича белгиланади (Низомнинг 22-банди). Касблар ва лавозимларда бир неча касб ва лаво-

зим асосида ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўланади. Бунда унинг миқдори, агар жамоавий шартномада ёхуд иш берувчи томонидан касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда қабул қилинган бошқа ички ҳужжатда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишуви бўйича белгиланади. Бюджет ташилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишлаган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50%идан ортиқ бўлиши мумкин эмас, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. У бюджет ташилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади (Низомнинг 25-банди).

2 Ҳа, тиббий кўрикдан ўтказиш мажбурий.

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан айрим тоифадаги ходимларни тиббий

кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт (МКнинг 214-моддаси). Шунингдек Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишлар рўйхатида (АВ томонидан 29.08.2012 йилда 2387-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 2-илова) тўғридан-тўғри транспорт воситаларини, шу жумладан ташилот ичида ҳаракатланадиган транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ ишлар назарда тутилган. Юқорида кўрсатилган ишларда банд бўлган ходимлар 2 йилда 1 марта тиббий кўрикдан ўтказилиши керак.

Шу тариқа, ташилотингиз фаолият туридан қатъи назар, унинг директори ҳайдовчи тиббий кўриклардан ўтишини ташкил қилиши шарт (ишга қабул қилиш чоғида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан – 2 йилда 1 марта).

Саодат Усмонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Россияда ҳайдовчилар ДИХХБдан хат олмайдиган бўладилар

Ҳуқуқбузарликларни минтақавий ҳокимият тайинлаган махсус идора ва муассасалар кўриб чиқади.

Тегишли қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди, деб ёзда «Коммерсант» газетаси. Унинг ҳозирги таҳририда ҳозирча фақат пойтахтга ваколатлар берилиши назарда тутилмоқда, унга кўра жарималарни Москва маъмурий йўл инспекцияси тайинлайди, бироқ иккинчи ўқишгача ҳужжатга яна ишлов берилади.

Тузатишларда камералар қайд этган 38 турдаги қондабузарлик: тезликни ошириш, қарама-қарши йўналишга, ажратилган жойга чиқиш ва бошқаларни кўриб чиқиш ваколатлари Москва ҳокимияти органларига берилиши назарда тутилган.

Ҳозир фотосуратлар Москвадаги йўл

ҳаракатини ташкиллаштириш марказида таҳлил қилиниб, сўнг қарорлар чиқариш учун ДИХХБга йўлланмоқда. ИИБдаги ларнинг фикрича, инспекторлар ишини камайтириш керак, сабаби улар моҳиятан олганда бир-бирини такорловчи вазифаларни бажармоқдалар. Қонун лойиҳаси қабул қилинса, ДИХХБ инспекторлари фотосуратлар билан ишлаш жараёнидан чиқарилади, улар ўрнига бошқа «давлат ҳокимияти органлари» ходимлари қарорлар чиқаради.

Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишигача умуман жарималарни маъмурийлаштириш ваколатларини барча минтақаларга топшириш режалаштирилмоқда: Федерациядаги 30 дан ортиқ субъектлар буни бажаришга тайёрликларини изҳор қилдилар. Минтақавий ҳокимиятлар ИИБ билан махсус келишувлар тузишлари керак бўлади (Москва ҳам шундай қилмоғи лозим). РФ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига тузатишлар киритилишидан аввал бундай қилинмайдиган. Келишувларни тузиш таомили анча мураккаб бўлиб, 1–2 йилга чўзилиши мумкин.

Маълумот учун

Автоташишлар: инфратузилманинг яхшиланиши ва янги йўналишлар

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда автоташувчилар учун бизнес юритиш шароитларини яхшилашга доир ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистон товарлари халқаро бозорларга олиб чиқирилиши таъминлаётган компанияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юлларни ташиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ҳақда ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги битимни амалга ошириш зарурати шунинг тақозо этмоқда.

Шу билан бирга мамлакат ҳудудида йўл бўйидаги инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш лозим. Республика халқаро автомагистраллари бўйлаб жойлашган автомобилларга ёқилги қуйиш станциялари ЕВРО-4 ва ундан юқори талабларга жавоб берувчи ёқилги билан таъминланади.

Ўз ахборотимиз.

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИ-НИДА тақдим этамиз
Тошкент ш. Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Истиқдодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва

ахборот агентлигинда рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБЕКОВ

Нашр учун масъул –

бош муҳаррир

ўринбосари,

масъул котиб

Нодир Носирович

АЛИМОВ

Адабий муҳаррир

Зулфия

Саидмуратовна

РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи

Наталья

БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,

Таллимаржон кўч., 1/1,

Таҳририят тел. 200-00-90

Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: sbx@norma.uz,

gazeta@norma.uz,

web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,

газеталарнинг электрон версияларини

етказиб бериш ва харид қилиш масалалари

бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламани жойлаштириш бўйича

283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига

муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теритрида ва саҳифаловчи.
Нашр қўрилган – 186. Қўлдан босилган – 43. Ҳажми – 4 босма табақ. Басма қилинган тарзда.
Буғуртма 50. Адаби 910. Газета 2018 йил 22 январь соат 14.30 да топширилди.